

Хуршида ҚОДИРОВА

ЎЗБЕК ТИЛИДА
ЭВФЕМИЗМ
ВА ДИСФЕМИЗМ



ЎЗБЕКИСТОН БАДИЙ АКАДЕМИЯСИ
КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ МИЛЛИЙ
РАССОМЛИК ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ

ХУРШИДА ҚОДИРОВА

ЎЗБЕК ТИЛИДА
ЭВФЕМИЗМ
ВА ДИСФЕМИЗМ

ҮҚУВ-УСЛУБИЙ ҚҰЛЛАНМА

In. Behzod nomidagi
Milliy Rus. omlik
va Dizayn Instituti
Axborot resurs
MARKAZI

Тошкент
«Янги аср авлоди»
2013

УҮК: 070

КБК: 81.2Ўзб-5

Қ-53

Қодирова Х.Б.

Ўзбек тилида эвфемизм ва дисфемизм (“Нутқ маданияти”, “Ахлоқ-шунослик” курслари учун материаллар): ўқув-услубий қўлланма / Х.Б. Қодирова; Узбекистон Бадиий академияси, Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2013. - 52 б.

ISBN 978-9943-27-040-4

Ушбу ўқув-услубий қўлланма олий таълимнинг турли бакалавриат йўналишларидаги талабаларга мўлжалланган. Ундан «Нутқ маданияти», «Мулоқот маданияти», «Ахлоқшунослик» курсларида фойдаланилади.

УҮК: 070

КБК: 81.2Ўзб-5

Масъул мұхаррир

М.МИРГОЖИЕВ,

филология фанлари доктори, профессор

Тақризчилар:

Б.МЕНГЛИЕВ,

филология фанлари доктори, профессор

Г.ҚАРШИЕВА,

филология фанлари номзоди, доцент

Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти ўқув-услубий Кенгашининг 2013 йил 19 февралдаги б-сонли мажлиси қарорига биноан тавсия этилган.

ISBN 978-9943-27-040-4

© Қодирова Х.Б., «Ўзбек тилида эвфемизм ва дисфемизм». «Янги аср авлоди», 2013 йил.

КИРИШ

Ўзбек тили лисоний имкониятлари нутқий воқеланишининг ўзига хос кўриниши бўлган эвфемизм ва дисфемизмларда тил ва маънавият, тил ва руҳ муштарақлиги яққол намоён бўлади. Шунинг учун миллый маънавият муаммоси глобаллашган бугунги кунда миллый менталитетни ифодалайдиган эвфемик ва дисфемик воситаларни ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Эвфемизмнинг пайдо бўлиши инсоният тафаккури ва ахлоқий қадриятлар ривожи билан боғлиқ. У нафақат тил ҳодисаси (ифода этаётган шахс нуқтаи назаридан ноқулай бўлган бирликлар ўрнида қўлланган сўз, сўз бирикмаси ёки гап), балки инсоннинг нутқий вазиятни қайсиdir маънода ўзгартиришга мойиллиги сифатида ҳам намоён бўлади. Макбул сўз қўллана туриб, сўзловчи томонидан ман этилган (табу) бирликлар қўлланиши натижасида юзага келиши мумкин бўлган носоз муҳит юмшатилади. Ман этилган сўзлар эса инсоният билан тенгкур дейилса, муболага бўлмайди.

Дисфемизмларнинг мулоқот ҳулқини ифодаловчи восита сифатидаги роли ўзига хос. Кейинги пайтларда демократиянинг жадаллашуви натижасида, қолаверса, 1948 йил 10 декабрда БМТ бош Ассамблеяси томонидан инсон ҳуқуқлари Декларациясида “сўз эркинлиги” тұғрисидаги Конуннинг кабул қилиниши натижасида Farb OAB ва бошқа ахборот манбаларида дисфемизмлардан фойдаланиш оммалашиб, уни ўрганиш, тасниф қилиш, талқин ва таҳлил этип давр тақозоси сифатида қаралди.

Ҳар икки ҳодиса – кўчим, нутқий жараён маҳсул. Улардан баъзилари лисоний бирлик бўлиб, адабий меъёр қаторидан ўрин олган. Бундай эвфемик маъною юкландиган тил бирликлари эвфемик ёки дисфемик маънони қайта номлашни ҳам тақозо этади. Эвфемиклик ёки дисфемиклик хусусияти эскирганда маънодаги субъектив муносабат бўёғи кучсизлашади. Демак, вақт ўтган сайин янги бирликлар пайдо бўлиб, эскилари лисоний сатҳда синонимик, омонимик, полисемик қаторни тұлдираверади. Шунингдек, имплицит ифодаланган эвфемизм, сўз ёки иборани қисқартириш ҳамда ўзгартириш орқали вужудга келган эвфемизмлар, бошқа тилдан олинган сўз билан алмаштириш орқали ифодаланган имо-ишора, қолаверса, но-вербал эвфемизм ёки дисфемизм қатори кенгаяверади. Уларнинг стилистик, грамматик таснифлари пайдо бўлиб, луғатлар яратилади. Демак, бу ҳодиса макон ва замон билан боғлиқ равишда ривожланиб бораверади.

Ушбу ўқув-услубий қўлланма олий таълимнинг турли бакалавриат йўналишларида талабаларнинг нутқ маданияти, қасбий мулоқот салоҳияти ва ахлоқий тарбиясини, маънавий-мәърифий савиယасини юксалтиришга кўмаклашиш мақсадида тузилди.

ЭВФЕМИЗМЛАР

Режа:

1. Эвфемизмларнинг ўрганилиш тарихи.
2. Эвфемизмлар таснифи.
3. Эвфемик маъноли бирликларнинг қўлланиш хусусиятлари.

Таянч тушунчалар:

эвфемизм, мавзувий тасниф, структурал тасниф, сўз-эвфема, бирикма-эвфема, гап-эвфема, маънодош-эвфема, шаклдош-эвфема, зид маъноли эвфема, моносемантик эвфема, полисемантик эвфема, эвфема қўллаши маҳорати, портрет эвфемаси, бадиий эвфема, публицистик эвфема

Эвфемизмларнинг ўрганилиш тарихи. Эвфемизм атамаси грек тилидан олинган бўлиб, кўпчилик муаллифлар фикрига кўра, ноўрин бирликнинг ўринли бирликка алмашинуви сифатида қаралади. А.А.Реформатский “Эвфемизмлар тақиқланган (табуланган) сўзлар ўрнига қўлланишга рухсат берилган сўзлар” деб таъриф беради. “Лингвистический энциклопедический словарь”да эса “Эвфемизм – бу сўловчи назарида қўпол, ноқулай бўлган сўз ва ифодалар ўрнида қўлланган, уларга маънодош бўлган эмоционал бетараф сўз ва ифодалар” дейилади.

А.Хожиевнинг 2002 йилда қайта нашр қилинган “Лингвистик терминлар изоҳли луғати”да эвфемизмга қуйидагича изоҳ берилади: “Эвфемизм (грек. euphemismos; eu — яхши, phemi — гапираман) нарса-ҳодисанинг анча юмшоқ формасидаги ифодаси; қўпол, беадаб сўз, ибора ва табу ўрнида қўпол бўлмаган, ботмайдиган сўз, иборани қўллаш. Mac., иккиқат сўзи ўрнида ҳомиладор, оғир оёқли сўзларини қўллаш”. Бироқ луғатда дисфемизмга доир фикр билдирилмаган.

Эвфемик маъно юкланган ифодалар антик даврдан бошлаб олимларда қизиқиш ўйғотган. О.М.Фрейденбарг таҳрири остида чоп этилган “Античные теории языкоznания и стиля” номли асарда “эвфемизм” тушунчаси Демокрит, Платон, Аристотель томонидан ҳам тилга олинганligи ҳақида маълумот берилади. Демак, бу тил бирлиги ҳақида қадимги даврларда ҳам билишган, улардан фойдаланишган ва ҳозирга қадар истифода этишади. “Дастлаб эвфемизмлар XII—XV асрларда инглиз тилида пайдо бўлган. XIV асрларда француз маданияти урф бўла бошлайди, бу эса тилда ҳам ўз аксини топади” деган қараш ҳам бор.

Инглиз тили тарихини ўрганган олим Р.Берч菲尔д Чосер назмининг эвфемик бирликлари мисолида тадқиқот олиб борар экан, эвфемизм шеърият-

нинг жуда қулай услугаси эканлигини эътироф этади. Р.Берч菲尔д Чосерни биринчи бор ўз ижодида интим муносабатнинг эвфемик шаклини берганлигини таъкидлайди. Шекспир эса бу йўналишни бузган ҳолда, ўзининг образларини ҳис-ҳаяжонли бирликлар билан ифодалаб, эвфемизмдан фақатгина стилистик бўёғни кучайтириш воситаси сифатида фойдаланади.

XVI асрнинг ярмига келиб нутқий маданиятни юксалтиришга бўлган уриниш кучайиб, Худо, инсоннинг авратлари ва у билан боғлиқ нарса-ҳодисалар номини ишлатмасликка қарши кураш олиб борилади ва бу Шекспир ижодида ҳам ўз аксни топа бошлайди. Кураш XVIII асрга қадар давом этиб, С.Ричердсоннинг “Памелла” асарида баъзи нозик вазиятларнинг эвфемик шаклини жуда маданий тарзда қўллаганини кўриш мумкин. Масалан, муаллиф *Он хочет погубить меня* ифодаси ўрнида *Не позволяйте мне, о небеса, принадлежать ему жумласини қўллайди*.

XIX асрга келиб ўзгача маданий ҳаёт тарзи шаклланади, эркаклар ишлаб чиқариш билан банд бўлишлари, аёллар эса ўзларини турмуш ўртоқлари ва оиласига баҳш этишлари лозим бўлади. Ахлоқий ва расмий цензура кучайиб, нозиклик, нутқий маданият янада ривож топа бошлайди. Шекспир асарларида учрайдиган “одобли оиласарда қўлланмайдиган ва овоз чиқариб ўқиши мумкин бўлмаган” ифодаларни қайта таҳрир қилган Томас Бодлер айни даврларда катта шуҳрат қозонади. У адиднинг 10 томлик асарлар тўпламига муҳаррирлик қиласди ва *Tot, кто убил моего отца и соблазнил мою мать* каби жумлаларни *Tot, кто убил моего отца и развертил мою мать* тарзида ўзgartиради.

XX асрга келиб нафақат инсон аъзолари, балки ҳайвон ва ҳашарот, қасаллик ва нарса-ҳодисалар номини эвфемалаштириш ҳам авж олади. Чунки жаҳон уруши даврида одам савдоси, етимлик, фоҳишабозлик ривож топа борган сари эвфемик бирликлар ва арготизмлар ҳам кўпайиб боради. Уларнинг маъновий хусусиятлари замон ва маконда, инсоният хатти-ҳаракати ва ҳолати билан боғлиқ ҳолда томир ёза бошлайди.

Эвфемизм ҳодисаси XX аср бошларида умумтилшуносликда Ж.Вандриес, Л.А.Булаховский каби тилшунослар томонидан соҳа билан боғлиқ адабиётларда қайд этилган бўлиб, уларнинг фикр-мулоҳазалари эвфемизм моҳияти тавсифининг шаклланишида муҳим аҳамият касб этади. Ушбу ҳодисани алоҳида миllat, алоҳида жинс вакиллари (масалан, олтой аёллари нутқи) мисолида тадқиқ этган олимлар сирасига А.Н.Самойлович, Н.А.Баскаковларни киритиш мумкин. Улар эвфемизмни кўп қиррали этник ҳодиса сифатида ёритишга ҳаракат қиласдилар.

Э.А.Агаян, О.Н.Турбачевлар ҳам маълум гуруҳ, менталитет доирасида ушбу жараённи тадқиқ этади. Масалан, О.Н.Турбачев Европа овчилади

ри ва ов мавсуми билан боғлиқ эвфемизмларнинг Швеция, Финляндия, Эстония каби мамлакатлар халқи нутқида ишлатилишини кузатса, Э.А.Агаян арман қишлоқлари аҳолиси нутқидаги эвфемизация жараёни-ни ўрганди. С.Отаев туркман тили эвфемизмлари, Г.Г.Мусабоев қозоқ тили эвфемизмлари, В.П.Дарбакова монгол халқи эвфемизмлари, Н.Г.Михайловская Узоқ Шарқ — Чукот, Ханти-Мансий, Нанай халқлари тилида учрайдиган эвфемизмларни илмий таҳлил қилишган.

Шунингдек, тува тилида учрайдиган эвфемизмлар борасида С.П.Ванштейн, Ш.Ч.Сат, инглиз тилида учрайдиган эвфемизмлар хусусида И.В.-Арнольд каби тадқиқотчилар ҳам ўз ишларида маълум даражада фикр билдирганлар.

А.А.Реформатский табу ўрнида қўлланилаётган эвфемик бирликларни этник тараққиёт билан боғлиқ деб ҳисоблайди. Табунинг пайдо булишига турли бидъат ва хурофотлар сабаб бўлганлигини айтиб, эвфемизмлар унинг номини ёпиш учун хизмат қилишини таъкидлайди.

Р.А.Будагов табунинг пайдо булишига инсониятнинг эътиқоди туртки бўлганлигини ва бу маълум маънода тафakkур ривожининг асоси эканлигини эътироф этгани ҳолда, эвфемизм юзага келишида муҳим омил эмас деб ҳисоблайди. Чунки табу бошқа сабабларга кўра вужудга келган. Эвфемизм эса нутқий маданият юзасидан айтиш ноқулай бўлган вазиятни юмшатиш учун қўлланади. Масалан, ақлли бўлмаган инсоннинг кўнглига озор бермаслик учун у ҳақда *не изобретёт* пороха дейилишини таъкидлайди.

Эвфемия ҳодисаси Б.А.Ларин, А.М.Кацев, Н.Ц.Босчаева, Л.В.Артюшкина, Г.Г.Кужим ва бошқа тилшунос олимлар томонидан ўрганилган бўлиб, унинг турли нуқтаи назардан турли жиҳатлари ёритилган. Масалан, Л.В.Артюшкина эвфемизмнинг алмашинишини ва семантик типини тадқиқ этган бўлса, Н.Ц.Босчаева томонидан унинг прагматик аспекти батафсил ўрганилади. Г.Г.Кужим эвфемизмни тилнинг “мелиоратив” воситаси сифатида ёритса, А.М.Кацев уни ижтимоий психологик-жиҳатдан талқин этади. Қайта номлаш билан боғлиқ томони эса Н.М.Бердова томонидан тадқиқ этилади ва изланишлар натижасида эвфемизмнинг 4 жиҳати аниқланади:

- лисоний;
- психологик;
- ижтимоий;
- прагматик.

Н.М.Потапова тилшунослар тадқиқотлари натижасига кўра, айни жарайённинг қуидаги белги(мезон)ларини кўрсатади:

– денотатнинг стигматиклиги (салбий бүёқдорлиги) («стигма» тушунчаси Н.М.Бердова тадқиқотида шарҳланади: «Стигма остида нафақат предметнинг антецедентда акс этган салбий хусусияти, балки салбий таасурут уйғотиш хоссалари ҳам тушунилади»);

- ижобий бүёқ ҳосил қилиш;
- ифоданинг аслиятини сақлаш.

Е.П.Сенечкина қўшимча белгиларини ҳам кўрсатади:

– эвфемизмнинг денотат салбий бўёғини юмшатувчи семантик ноаниқлиги;

– денотатни ижобийлаштиришда гап қайси предмет ёки ҳодиса ҳақида кетаётганлигининг англашилишини таъминловчи формал табиати. У ушбу ўлчовларга жавоб бермаган ифода эвфемизм эмаслигига ва бу фикрга шу ҳодисани ўрганишга ҳаракат қилган барча олимлар қўшилишини таъкидлайди.

В.П.Москвин “Эвфемизмы в лексической системе современного русского языка” асарида эвфемизмларнинг категориал мақоми, эвфемизация усулининг кўулланиш сфераси, шунингдек, эвфемизмларнинг қатор ёндош ҳодиса (псевдоэвфемия, криптология, эзоп тили, дезинформация, образли ифода)лар билан ўзаро муносабатини тадқиқ қилди. Эвфемизмларнинг мавзувий ва ситуатив хусусиятлари, қўулланиши, ясалиши, синонимик ҳам лексик тизимдаги ўрни, лисон ва нутқقا муносабати, лексикографик тавсифига доир фикрларини баён этди.

XXI асрдан бошлаб биргина рус тадқиқотчилари томонидан эвфемизм мавзуси доирасида 15 га яқин номзодлик диссертациялари ёқланганни бу ҳодисани ўрганиш янги куч олаётганидан далолат беради.

Ўзбек тилшунослигига бу атама 1963-64 йилларда Н.Исматуллаевнинг “Хозирги ўзбек тилида эвфемизмлар” номли диссертацияси орқали ўрнашган бўлиб, олим ўша йилларда чоп этилган мақолаларида мавжуд ҳодиса ҳақидаги мулоҳазаларини баён қиласди. У ҳам эвфемизмнинг пайдо бўлиш тарихига тұхталиб, табу билан боғлиқлигини таъкидлайди. Шунингдек, эвфемизм таснифи хусусида турли тилшунос олимлар қарашларига фикр билдириб, ўз ишларида унинг яратилиш сабабларига кўра таснифини таклиф этади.

1997 йилда А.Омонтурдиев эвфемизмни услубшуносликнинг тадқиқот обьекти сифатида аллақачон ўз ечимини топиши керак бўлган мавзуси сифатида кенг доирада ўрганиб, ўзбек нутқининг эвфемик асосларини тадқиқ қиласди. У ҳам юқоридағи фикрга қўшилган ҳолда, эвфемизмларни этимологик, ижтимоий-маданий аспектда ўрганиш керак деб ҳисоблайди. Эвфемик маънонинг эволюциясига, ёндош ҳодисаларга ва тил сатҳига

муносабатига эътиборини қаратади. Шу билан бирга, уни қўлланиш даражасига кўра умумнутқий ва хусусий нутқий эвфемага ажратиб, ифода усуларини ўрганади. Таснифий характердаги бу изланиш ўзбек тили нуткининг эвфемик бирликлари ҳақида кўпроқ амалий маълумот беради. Бунгача эса муаллифлар жамоаси томонидан 1983 йилда нашр этилган “Ўзбек тили стилистикаси” ўқув қўлланмасида эвфемизм ҳамда какофемизм (дисфемизм) хусусида маълум даражада фикр юритилган эди.

Вақт ўтиб, тил тараққиёти, глобал муаммоларнинг ечими услубшуносликни нотиқлик санъати мақомига кўтаришни, жумладан, профессионал нутқининг барча тармоқларини — чорвадор, овчи, деҳқон, юрист, журналист, дипломат, бахши, шифокор, курашчи, совчи, тўқувчи, тикиувчи, темирчи, санъаткор, рассом кабилар нутқини фундаментал тадқиқ қилиш, хусусан, уларнинг эвфемик воситаларини ёзиб олиш, эвфемиологияни илмий-назарий ва амалий жиҳатдан мустақил соҳа – тилшуносликдан ўсиб чиқсан фан сифатида асослаш, дастур ва дарслик, лугат тузиш каби муаммоларни давр тақозо қиласди ва А.Омонтурдиев муайян соҳа эвфемияси, яъни чорвадор нутқига хос эвфемик воситаларни этнолингвистик нуқтаи назардан тавсифлашга бағишлиланган “Профессионал нутқ эвфемикаси” номли докторлик диссертациясида юқоридаги масалаларни ҳал этиш мақсадида чорвадорлар нутқидаги, хусусан, чорвадорларнинг ҳаёти, яшаш тарзи, дунёқарashi, урф-одатлари, анъаналари, маросимлари билан боғлиқ ҳолда вужудга келган эвфемизмларни тадқиқ қилди.

Кўринадики, эвфемизм ўзбек тилшунослигига дисфемизмга нисбатан кенгроқ ўрганилган бўлиб, бугунги кунга қадар юқорида санаб ўтилган олимлар томонидан эвфемизмнинг кўпроқ нутқий қатлам сифатидаги хусусиятлари системали тадқиқ этилган. Унинг ёндош ҳодисаларга муносабати, турдош бўлган троплари, тил сатҳидаги ўрни белгиланганлиги, лисоний ва нутқий эвфемалар фарқланиб, эвфемик маъно категориялари функционал-услубий жиҳатдан тасниф қилинганлиги аҳамиятли. Қолаверса, ўзбек тилшунослари орасида айни масала юзасидан ҳануз баҳс-муноширилар олиб борилаётганлиги унинг турли соҳалар бўйича чукурроқ ўрганилиши лозимлигидан далолат беради.

Эвфемизмлар таснифи. Эвфемия ҳодисаси билан шуғулланган тилшуносликнинг ҳар бири унинг турли белгиларига асосланган таснифларини ҳам узки бу даражада амалга оширишга ҳаракат қилишган. Ҳодиса бошқи диссертацияни бирликлардек серқирра бўлгани каби, бу таснифларда эвфемизмларини турли қирраларига эътибор қаратилган бўлиб, кўлга киритинган натижалар ҳам турлича. Бу турли-туманликлар қарама-қарши-

дек туюлса-да, аслида бир-бирини тұлдиришга хизмат қилишини таъкидлаш лозим.

Рус тильтуноси Р.А. Будагов эвфемизмларни иккى йирик турға бүлишиңи таклиф этады: а) бадий тил эвфемизмлари; б) турли жаргон эвфемизмлари. Бириңчи турға қупол сұзни ифодаламаслыққа интилиш асосида юзага келгән эвфемизмлар киритилған (масалан, *старость* сұзи үрнида құлланған почётный возраст эвфемизми).

Р.А. Будагов контекстуал эвфемизмларни алоқида гурухлайды. Улар нисбатан мукаммалроқ ва фикрни ифода этаётган шахснинг феъл-автори ҳамда матн шартига асосланади. Контекстуал эвфемизмларни Е.П. Сеничкина *окказионал эвфемизм* деб номлады. Улар доимо нутқда юз беради ва эвфемия ҳодисасыннинг барча талабларига жавоб беради, аммо тайёр қолинга эга бүлмайды. Одатда, бундай эвфемизмлар образли ва метафорик табиатлы бүлади.

Бу хилдаги эвфемизмлар А.М. Кацевнинг ҳам эътиборидан четда қолмаган. Унинг фикрича, окказионал эвфемизмлар кучли эвфемик таъсир (бүек)га эга. Улар янги, шаклға киритилмаган.

Е.П. Сеничкина окказионал эвфемизмлар билан бир қаторда қуйидаги туркүмларни ажратади: тиlda үз қолипига эга ва ифодаловчи учун маълум бүлгән эвфемизмлар, келиб чиқиши ифодаловчи учун номаълум (бипор шахс ёки нарса-ҳодиса билан боғлиқ) бүлгән эвфемизмлар, шунингдек, тарихий эвфемизмлар ва дисфемизмлар.

Таснифларнинг салмоқлиси мавзуий таснифдир. Бу борада Р.Холдер томонидан қилинған тасниф эътиборга молик. У лексик-семантик жиҳатдан эвфемизмларни 60 та кичик синфга ажратади. Бу тасниф эвфемизмларнинг денотатив мазмуни хилма-хиллигидан далолат беради.

А.М. Кацев эвфемизмларни 10 та мавзу доирасига ажратади:

- 1) илохий күчлар номи;
- 2) ұлым ва касалликни англатувчи бирликлар;
- 3) нұқсон билан боғлиқ номлар;
- 4) жинс билан боғлиқ номлар;
- 5) камбағалликни англатувчи номлар;
- 6) айрим касбларни англатувчи номлар;
- 7) ақлий ва жисмоний нұқсон номлари;
- 8) кийим қысларни номлари.

М.А. Кацевнинг яна эвфемик воситанинг онтологик характерига күра таснифи ҳам мавжуд:

- 1) шаклға кирған эвфемизмлар;
- 2) табиий равишда вужудға келгән эвфемизмлар;

3) услугий бүең (ирония ёки юмор) асосида табиий вужудга келгандык эвфемизмлар.

Ижтимоий тасніф эвфемизмлар мөхиятини очишда үзига хос үрин тутады. У сұзинг мәдени жағдайлардың мөхиятиның үзілісінде оның мәдени мәндерін ажратылады. Мисол тариқасида Б.А.Ларин тасніфини көлтириш мүмкін:

- 1) умуммиллий, адабий эвфемизмлар;
- 2) синфий ва касбий эвфемизмлар;
- 3) ойлавий-рұзғор эвфемизмлари.

Айрим тадқиқотчилар томонидан эвфемизмларнинг лингвистик таснифи ҳам амалға оширилган:

- 1) тузилишига күра (сүз, сүз бирикмаси, гап);
- 2) услугий хусусиятига күра (күтариңкі, нейтрал, қуйи даражадаги);
- 3) сүз қурилишига күра: а) күчим (метафора, метонимия, мөхиятининг торайиши ва ҳ.); б) шакл үзгартыриш үйли билан ҳосил қылинған (фонетик бузилиш, конверсия, аффиксация, аббревиация ва ҳ.); в) үзлашма бирликлар асосида.

Л.В.Артюшкина эвфемик нұтқнинг семантикалық аспектларини үрганиб, эвфемизмларни қуидаги тасніблайды:



В.П. Москвин эвфемизмларнинг қуидаги түрларини фарқлаган:

- а) құрқитувчи ҳодисалар эвфемизмлари;
- б) мәннавий эвфемизмлар;
- с) этикет эвфемизмлари;
- д) никобловчи эвфемизмлар (сиёсий, социал);
- е) эвфемизмларнинг модал типлари (ұазил эвфемизмлари, киноя эвфемизмлари).

Үрганилаёттан ҳодисанинг тасніфи үзбек тильтуносларининг әттибо-ридан ҳам четда қолмади. Н.Исматуллаев эвфемизмларни 5 иирик гурұх-га ажратади:

- 1) табу билан бөглиқ эвфемизмлар (зағарли ҳашаротлар номи; йиртқыч ҳайвонлар номи; касаллик номи; әр ва хотиннинг бир-бирләрі номларини айтмасликлари; хотин-қызылар тилице деңгелескендегі эвфемизмлар);
- 2) бидъят, ирим қилемшілік билан бөглиқ эвфемизмлар;

3) маъноси қўпол, айтиш нокулай бўлган сўз ва иборалар ўрнида қўлланадиган эвфемизмлар;

4) нутқий безамалик, кўтаринкилик ва диний мақсадлар учун қўлланадиган жаргон эвфемизмлар;

5) стилистик эвфемизмлар.

Мавзуй гуруҳларга ажратилган ифодалар таснифи эса А.Омонтурдиев томонидан тадқиқ қилинган илмий ишда ўз аксини топади:

1) оила қуриш билан боғлиқ эвфемик воситалар;

2) ахлоқсизлик билан боғлиқ эвфемик воситалар;

3) интим муносабат билан боғлиқ эвфемик воситалар;

4) мурожаат билан боғлиқ эвфемик воситалар;

5) инсон аъзолари ва улар билан боғлиқ кийим номлари эвфемаси;

6) жисмоний нуқсонлар билан боғлиқ эвфемик воситалар;

7) овқатланиш ва унинг ҳазми билан боғлиқ эвфемик воситалар;

8) инсоннинг салбий фаолияти билан боғлиқ эвфемик воситалар;

9) айрим одат-анъана билан боғлиқ эвфемик воситалар;

10) қариллик тушунчаси билан боғлиқ эвфемик воситалар;

11) ўлим билан боғлиқ эвфемик воситалар.

Шунингдек, олим докторлик диссертациясида эвфемани 7 гуруҳга ажратади.

I. Воқеаликнинг табуланиш даражасига кўра: 1) номини айтиб бўлмайдиган, айтиш ман этилган ЭВ; 2) қўрқинч, ноҳуш хабар ёки ўлим билан боғлиқ ЭВ; 3) номини айтиш мумкин, бироқ нутқ этикасига мос келмайдиган ЭВ.

II. Семантик-грамматик шаклланишига кўра: 1) лисоний; 2) нутқий.

III. Таъсирчанлик, бўёқдорлик, оригиналлик даражасига кўра: 1) индивидуал; 2) окказионал.

IV. Маънонинг ифодаланиш усулига кўра: тагмаъноли.

V. Тил эвфемик қатламини шакллантиришдаги ролига кўра: 1) риторик; 2) олмошли.

VI. Ифода воситасига кўра: 1) вербал; 2) новербал: а) импликатив; б) кинетик.

VII. Ноадабий тил воситаларининг қўлланишига кўра: арго-символик эвфема: а) умумнутқий; б) хусусий нутқий.

Эвфемизмларни таснифлаш унинг моҳиятини чуқурроқ ўрганишига, турли нуқтаи назардан кузатишга, тадқиқ этишига, ушбу ҳодисанинг тузилишини аниқроқ ёритишга хизмат қиласи, хилма-хил тасниф эса эвфемизмларнинг кўп қирралилигидан ва мураккаб жараён маҳсали эканлигидан далолат беради.

Эвфемик бирликлар серқири ҳодиса, бу уларни ҳар бир белгиси асосида турлича тасниф қилиш имконини беради. Зоро, индивидуал нутқға хос эвфемизмлар лисоний ва нолисоний омиллар қоришувидан иборат яхлитлик бўлиб, бу омиллар асосида қўлга киритилган натижаларни умумлаштиришгина ҳар бир эвфемизмнинг ўзига хос, шунингдек, шахс идиолектига хос эвфемизмларнинг индивидуал моҳиятини аниқлаш имконини беради. Қўйида нутқға хос эвфемизмларнинг таснифий белгиларини икки катта гуруҳга ажратамиз:

- 1) лисоний белгилар;
- 2) нолисоний белгилар.

Лисоний белгилар асосидаги таснифда эвфемик бирликларнинг мавзуйий, семантик, шаклий (структур), услубий хусусиятларига таянилади. Нолисоний белгилар асосидаги таснифда эса эвфемик бирликларнинг нутқий воқеъланишида диалектик бирлиқда юзага чиқувчи ташқи омиллар эътиборга олинади. Булар сирасида сўзловчи ва тингловчи шахснинг дунёқараши, савиаси, ижобий ёки салбий образлиги, жинси, ёши каби соғ лисоний омиллар билан биргалиқда нутқ шароити ва вазияти билан боғлиқ прагматик омилларни санашиб мумкин. Эвфемизмларнинг имплицит кўринишлари ҳам нолисоний характерга эгадек тасаввур уйғотади. Бироқ имплицит эвфема қиймати денотатнинг асл атамаси асосида идрок этилиши сабабли уни ҳам лисоний восита сифатида қарашиб маъқул.

Эвфемик маъноли бирликларнинг мавзуйий гуруҳлари. Эвфемизмлар миқдор жиҳатидан ранг-баранг бўлиш билан бирга, мавзуйий жиҳатдан ҳам хилма-хил. Бадиий адабиётларда эвфемизмларнинг аксарияти инсонни, унинг хусусиятлари ва хатти-ҳаракатларини ифодалашга хизмат қилади. Бу бадиий адабиётнинг бош обьекти инсон бўлганилиги билан белгиланади. Мавзу қўйида бадиий асарлардан олинган мисоллар асосида ёритиїди.

Шахсни англатувчи эвфемик воситалар. Ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар янги-янги нутқий бирликларнинг вужудга келишига сабаб бўлганидек, сиёсий шахсларни ҳам умумахлоқий ва маданий жиҳатдан тўғридан-тўғри ифодаламасликка уриниш ҳолатлари янги бирликларнинг вужудга келишига ёки мавжуд атов бирликларининг янги маъно ва вазифа касб этишига сабаб бўлиши мумкин. Бу воситалар сиёсий-публицистик ёки бадиий услубда эса маълум тарихий давр тақозосига кўра ўз аксини топади. Бунга яна ёзувчининг катта ижтимоий ва сиёсий ўзгаришлар муҳитида яратилган асарлари асосида амин бўлиш мумкин.

Валинеъмат сўзини икки хил маънода учратиш мумкин: киноявий эвфемик маъно ва табулашган эвфемик маъно. Ҳар икки маъно матнда, қур-

шов асосида юзага чиқади: *Бас, сиз билан биз ишичи-дөхқон ходими була түриб, нега валиненъматимизга оёг хизматини ўтаемиз* (А.Қодирий. “Шаллақын”). Бу ерда Стalin номини алмаштирувчи мазкур ифода услубий эвфема сифатида ҳурмат муносабатини юзага келтирған десак, тұғри булмайды. Бу сұз киноя асосидаги эвфема сифатида қаралишга лойиқ.

Күйидеги жумлада бирлик үз маңносида юзага чиққан ва эвфемик “оханғдан” холидек тасаввур үйғотады: *Кулларидан бири валиненъматимизга икки калима арзим бор, дейдир.* (А.Қодирий. “Мәхрабдан чаён”) “Валиненъмат”нинг исмини тутишга истихола мавжудлиги унинг эвфемиклигини күрсатады.

Жаннатмакон сұзига ҳам Амир Умархон шахсини ифодалаш учун эвфемик маңын юкланды: – *Сиз “жаннатмакон”ни күрганмисиз?*” (А.Қодирий. “1819 йил ёдгори”).

Булардан ташқари. “капта” (хокимият кишиси) бирлиги ҳам сиёсий шахслар қаторини көнгайтирувчи эвфемик восита сифатида үз аксини топады: *Бу ерда Раҳимберди Худойбердисев исмлик беданабоз, Нуридин Зокиров каби мұттаҳам, Беркин Азимов, Карим Абдурахмонов сингари безори ва Вали Усмонов кабилар мавзеънинг «капта»лари бұлғыл олиб, хоҳлаганларика бұлмагурылларни қилиб келділар* (А.Қодирий. «Күркән олдин мушт күттарар»).

Шахсни англатувчи эвфемик маңоли бирлиklärнинг адабий нұтқ учун меңгер ҳисобланған фоҳиша мазмунини англатувчи эвфемалардан зинокор, ҳалол эмас, суюқ оёқ, “айниған” шакллари тилемизда көнг тарқалған бұлғыл, нұтқда бунинг үзгача ифодаларини учратамиз: *Мажнун, Лайли, баба, баринахон, маржса, ўйнаш, тұташ, “ноз әгаси”* каби воситалар шулар жумласидан. Бунда русталининг таъсири ҳам кузатылады.

Бу каби шахсни англатувчи эвфемик воситаларнинг мавзуйи гурухини яна анча көнгайтириш мүмкін. Масалан, аёл киши тушунчаси билан боғыл мазлума, заифа; она тушунчасини англатувчи *сабаби вұжуд*; қызы фарзанд тушунчасини англатувчи эвфемик воситалар сифатидаги *ожиса, карима* ифодаси; сохта диндор, риёкорларни англатувчи “*ақын соқол*” күчимли эвфемик маңоли бирлиklär; мұстамлакачиларға нисбатан ишлатылған “*маданий миллатлар*” кинояли эвфемик воситалари каби.

Инсон аъзоларини ифодаловчи эвфемик ифодалар. Кишининг эвфемик тарзда ифодаланиши лозим аъзолари ҳар қанча юмшатылған, нозиклаشتырылған бұлмасин, үша мазмун инсон онгида уят, айтиш нокулай бұлған тушунча сифатида қолаверади (Луғатларға қаранг).

Биомоддаларни англатувчи эвфемик ифодалар. Күпроқ ҳажвий ҳикоялар қаҳрамонлари тилидаги юморга бой нутқида, үз навбатида, биомод-

даларни англатувчи эвфемик ифодаларни ҳам учратамиз. Масалан, *ахлат, тезак* каби эвфемик бирликлар қаторидан *хилт* сүзи ҳам ўз ўрнини топади: *Бу замон тўйимиз азага айланаб, шўрба-шўrbада, эт-этда қолуб, ким кинначига, ким домлага югуруб, аммо фақирнинг ҳам оғзимдан, ҳам ортимдан хилт ва сафролар кета бошлиб, бош ёстиққа етуб, ўзим беморлик дарајасига борибдиrман.* (А.Қодирий. «Таржимаи ҳолим»)

Инсоннинг жисмоний нуқсонларини англатувчи эвфемик ифодалар. «Кар» маъносини берувчи қулоги оғир, «Филай» маъносини берувчи бир кўзи магрибда, бир кўзи мавриқда эвфемик маъноли бирикмаси шулар жумласидан.

Дийдори номуборак (турқи совуқ), вақтсизроқ яратилиб қолган (чала туғилган) каби инсоннинг ташқи кўринишидаги нуқсонларни билдирувчи эвфемик маъноли бирликлар орасида яна «Ҳусни Юсуф» киноявий бирикмаси ҳам характерли аҳамиятга эга: Унинг ёнида бўз яхтак богичини осилтириб, ҳандалакдек бўкоги билан ўнг томогини зийнатлаган ўрта яшар яна бир «Ҳусни Юсуф» кўринар эди (А.Қодирий. «Меҳробдан чаён»). «Хунук», «бадбашара» мазмунини юмшатаётган айни ифода қўштириноқ ичидан берилиб, киноявий маъно ифодалаган.

Инсоннинг жисмоний ҳолатини англатувчи эвфемик ифодалар. Ҳомила билан боғлиқ ифодаларнинг юклик, ҳомилалик, оғир оёқ, иккиқат; тумса, қисир (туғмас ёки туғмай қолган хотин) каби шакллари учрайди.

Маълумки, ҳез, ҳезалак сўzlари ўrniga пуштисиз, безурриёт, «қизил куёв» каби эвфемик воситалар нутқда ўз аксини топади. Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романида Отабек тилидан айтилган мижозим заиф бирикмаси ҳам эркакнинг жисмоний ҳолатини эвфемик асосда ифодалаган.

Инсоннинг маънавий нуқсонларини англатувчи эвфемик ифодалар. Инсоннинг ақл билан боғлиқ маънавий-руҳий нуқсонларини англатувчи ақлинг оқсайдир, ақлингиз бир оз янглишибдир, боши бўш, жўн одам, пустак ақлни мой босган, жаҳли басит, соддалавҳ, эси ярим, ярим маданий халқ, хом киши каби эвфемик ифодалар бадиий адабиётларда кузатилади. Яна асабий оғриқ (руҳий касал, жинни), болалик (садда, гул, хом), ботирлиги етмас (қўрқоқлик қилас), васиқаси йўқ (бетайин) каби эвфемик маъноли бирликлар ҳам ушбу тизимда қаралади.

Инсоннинг муомала ва муносабатдаги нуқсонларини англатувчи эвфемик ифодалар. Умуман, кипининг муомала ва муносабатдаги нуқсонлари нозиклаштирилган бирликларнинг кўпчилигига маълум микдорда ҳақорат, киноя ўз аксини топади. Маданиятсизлик, тарбиядаги носозлик қанчалик юмшатилмасин, обьектга нисбатан норозилик кайфияти юзага чиқаверади: Сиз бизнинг одамиятимиз йўқлигини бир жойда кўрганимисиз

ёки димогингизга футур етиб қолғанми? (А.Қодирий. “Мәхробдан чаён”)
Ёки Қозининг бу ҳолини үкүгучилар муҳокамасига беріб, мен үз томоним-дан бундай дейман: агар сиз китоб сұзига шионсанғыз виждонингизнің сал обияти қочибдір. (А.Қодирий. «Шаллақи») Иккала үринде ҳам “гердаймоқ” ёки “виждонсизлашмоқ” тушунчаларини ифодаловчи эвфемик воситалар синтактикалық қорының шаклида құлланилмоқта.

Тамагирлик, пора мавзуси доирасыда эвфемик маңноли бирликлар хил-ма-хил: *елқаси қичимасын* (тамагирлик қымасын), *ёввойи чиқым* (пора), *муллажириң* (пул; пора), *«қарз»* (пора), *чүнтакпарат* (тамагир, пулға үч одам), *конверт орқали улашилған «бадал»лар* (пул, пора) каби эвфемик маңноли бирликлар шулар жумласидан.

Үғирлик билан боғлиқ эвфемик воситалар сирасында «даромад» (үғирланған пул), *чойчақа* (йүлини қылғындағы үндирілген пул), *«шилиб кетған»* (үғирлаган), *«халол қасб»* (үғрилик), *«хұнар»* (үғрилик), *совурды* (талонтарож қылды, үғирлады) каби бирликлар киради.

Маңнавий нұқсанларни англаудаңыз бүйни үйгөн (зұравон), үткірлик (сүзине үткәзу олмок), этаксиз (бетайин, тутуриқсиз), чайқовчи (олиб-сотар, каллоб), хотин-қызларга сериштаха (хотинбоз), тупроги енгіл (енгилтак), тарелка тутыши (лаганбардорлик, хушомадгүйлик), тамтам (олифта, дабдабабоз), сағыл (пасткаш, тубан), нағси шайтон (ұта очкүз), миң-үрүк (зиңба, хасис) каби эвфемик маңною түрлелердегі бирликлар нутқдан кенг үрин олган.

Спиртли ичимликларни англаудаңыз эвфемик ифодалар. Абдулла Қодирий спиртли ичимликларнің эвфемик ифодаларини қаҳрамон тилидан құллайды. Масалан, Ҳомиддин шерикларидан бири Мутал полвон тилидан *дори* (ароқ), Ширвон хола тилидан *захар* (ароқ), Тошпұлат тилидан *«оби сурх»* (вино), *обирахмат* (ароқ), *оқсоқол* (ароқ, спирт) бирликларини эвфемик восита сифатыда ишлатади.

Хәжвий қаҳрамон Тошпұлат тажанғнинг айни мавзуга доир “*қириқ газлик*” ифодасы ҳам жуда гүзәл эвфемик маңноли бирлик сифатыда үз аксина топған: *Ахир Тошпұлат аканинг ҳам орқасында офтоб тегар, үл ҳам сизни янғы чиқған «қириқ газлиги» билан бир күн мәхмон қылғынан, шошмоқ шайтоннинг иши!* (А.Қодирий. «Тошпұлат тажанг нима дейди?»)


«Масков хатлары» хабарнома мақоласыда “*конъяк*” тушунчасини берген *«қизитча»* ифодасы эвфемик маңноли бирлик сифатыда намоён бұлады: *Уәе-бу ёғдан қылғынан, дегандек палов олдидан «қизитча» ҳам үтилиб түрілди шекилдік...* (А.Қодирий. «Масков хатлары»)

Эвфемик бирликларнің лексик-семантиқ мұносабат асосында типлари. Маңнодош эвфемалар. Эвфемизм тилнің нутқиі қатламида содир

бұладиган жараён — қайта номлаш билан боғлиқ ҳодиса булиб, тұла маңнода услубий маңнодошлиқ қаторини ташкил этиш билан харakterлана-ди. У мильтатнинг этик-эстетик диди, миллий рұхи, одоби ва назокати булиб, муомала маданиятининг үзига хослигини акс эттиради. Эвфемизмларнинг “дабдабали” (тантанавор), “жұрмат-әхтиромли”, “күтаринки” маңын оттен-калары билан бадиий, илмий, сұзлашув услугуда құлланилиши тиленг кенг имкониятидан далолат беради. Айниқса, үзбек тилемде үлім билан боғлиқ эвфемик воситаларининг 300 га яқын варианты топилғанлығы ахамиятли.¹ Бұ эса уларнинг түрли вазият, матн ва замонда құлланилишига хосланған туридан фойдалана олиш имконини беради, шунингдек, нутқнинг сайдалланишига олиб келади.

Инсон ҳаётида юз берадиган барча жараён, ҳодиса, шахсларнинг “бирламчи ном үрнида құлланадиган эвфемистик ifodalari мавжуд, улар тиілде мавжуд номларнинг функционал-семантикалық синонимлари” сифатида құлланылади. Хусусан, үзбек нутқнинг бу каби “тұқыч бермас” ifodalари бенихоя құплиги, коннотатив сатхнинг үзгарувчанлығы, юмор, киноя усуспарининг үзига хослиги диққаттаға сазовор.

“Үлмоқ” тушунчасининг эвфемаларини бадиий асарда муаллиф қаҳрамон ёки үз тиілден түрли вазият ва шактда ifodalайди. Салбий ёки ҳажвий қаҳрамон нутқидан ижобий, маданияттың образ нутқи фарқланған боис, үз навбатида, эвфемик маңнолар ҳам бир неча турға ажralади. Маңлум гурух кишиларигагина тушунарлы бұлған арготик эвфема, шу воқеликка алоқадор суҳба гдоштагина маңлум қарғыш, қақоратни акс етувчи эвфемик бирліклар фарқланади. Булар синонимик қаторни ташкил қылған бұлса-да, бирламчи маңын билан күчим орасидаги боғлиқтың маңнода үзилганини кузатиш мүмкін, хусусан Абдулла Қодирийнинг қуйидаги эвфемик күчимли бирліктарда ушбу жараён яққол күзға ташланади.



¹ Омонтурдиев А. Бир сұз луғати. – Термиз: Жайхун, 1996. – Б. 45.

Н.М.Потапованинг фикрича, салбий эмоцияни юмша гиш учун қўлла-нилаётган эвфемизм денотат билан алоқани узса, у эвфемизм эмас, балки ҳақиқатни бузишга уринишидир.

Даставвал, ўлим билан боғлиқ эвфемалар мазмунига кўра диний ва дунёвий зэфемаларга ажралган. Тилшунос А.Омонтурдиев “диний эвфемалар кўпроқ жоннинг мавжудлиги, танадан чиқиб кетиши, у дунёга — Худо ҳузурига бориши, жаннат ёки дўзахдан жой олиши каби тушунчалар асосида пайдо бўлган” лигини таъкидлайди. Шу каби *жон бермоқ, ажсалга омон бермоқ, мангулик уйқуга кетмоқ* каби диндорлар нутқига хос эвфемик маъноли бирликлар қаторидан ажсал чақираман ифодаси ҳам янгича бир шакл сифатида ўрин олади. *Бу қунимдан, бу ҳасратимдан қутулиш учун ўзимга ажсал чақираман.* (А.Қодирий. “Ўткан кунлар”)

Давр ўтиши билан бир гуруҳ эвфемаларнинг дунёвийлашгани хусусида ҳам тилшунос ўз фикрларини баён этган. Айни гурухга *сўнгги соати етмоқ, қазо қилмоқ* каби эвфемик маъноли бирликлар мисол бўла олади. Шунингдек, бош лексемаси билан бириккан *кет-, ол-* каби феъллар ҳам “*ўлмоқ*” тушунчасини ифодаловчи эвфемизмлардир: 1. *Навоий: тафтиши тамом бўлмаган ҳолда, Ёдгорнинг бошини олдириб юборишингизни нима деб фаҳмлаш керак?* (Уйғун. И.Султон. “Навоий”). 2. *Сафдошларимиздан бири мардларча бошини сиртмоққа солди.* (Ў.Хошимов. “Икки эшик ораси”)

Маълумки, қарғиш ва ҳақоратларда “*ўлмоқ*” тушунчасини берган ифодалар тингловчи ёки ўқувчидаги салбий кайфият уйғотади. Шу маънода, ҳар қандай ифода агар ҳақорат, қарғиш шаклида тингловчига нисбатан йўналтирилса, қўпол муносабат, руҳий тушкунлик, кайфиятдаги ўзгариш — антипатияни уйғотади. Бу эса дисфемия каби қабул қилинади. Бироқ ўл сўзи доирасидаги икки юзинг қаро бўлсан, жойинг жаннатда бўлсан каби ифодалар ҳақиқатда эвфемик моҳиятли эканлигини таъкидлаш жоизки, улар маънони ўл сўзига нисбатан бирмунча ёпиқ, беркитилган шаклда ифодалаган.

Шаклдош эвфемалар. Эвфемик омонимияга доир масалалар борасида ўйл-ўйлакай фикр билдириб кетилган, бироқ муаммо етарлича ўрганилмаган.

Бир тушунчани турли шаклда ифодалаш, албатта, нутқ учун қулай. Бироқ бир эвфемик кўчимнинг турли мазмунда келиши ўзбек тилининг нақадар кўркам эканлигини намоён этади. “Ўткан кунлар” асари қаҳрамони Юсуфбек ҳожининг “*Нега ҳар нарсага етган ақлини шунга келганда оқсайдир*” деган иборасида адаб ментал маданиятни нозик ҳис этганлигини кўрсатади. *Етмайди* ифодаси ўрнида *оқсайдир* сўзи шу қадар нозик

қолипга келтирилганки, сўзловчи оғзидан чиқаётган айни жумлада бирор қўупол муносабат сезилмайди. *Оқсамоқ* ифодасининг Абдулла Қодирийнинг «Нега ким» деб номланувчи фельетонида ҳам такрорланишини кузатамиз: «Иштироқион» газетаси бир кун чиқуб, бир кун чиқмай *оқсан бошлиди*. Яъни, *оқсамоқ* — иши юришмаслик, омадсизлик мазмунида. Бу ерда эвфемик омонимия ҳосил бўлгандлиги кузатилади.

Маълумки, одоб-ахлоқ меъёри талабига кўра, қадимдан турмуш ўртоғи, қайнота-қайнонаси ва бошқа қариндошларнинг номини тилга олмаслик, ўзи ижод қўилган маҳсус лақаб-эвфемик ном билан мурожаат этиш – Марказий Осиё ҳалқларига урф. Хусусан, ўзбек оиласарида турмуш ўртоқларини бош фарзанд номи билан аташ бугунги кунга қадар сақланган. Жумладан, “Меҳробдан чаён” романида бунинг ўзига хос кўринишига дуч келамиз:

РАҲНО I (Нигор ойим) *Махдум тўнни ёруққа солиб кўрди: – Йўқ, адрас ҳайф Раҳно, – деди тўнни таҳтига солиб, – ҳалиги бўзни беравур.* (А.Қодирий. “Меҳробдан чаён”)

РАҲНО II (Солиҳ маҳдум) – *Ҳай, Раҳно! – деди ҳавлида кетиб борган маҳдумга, – нонларимизнинг суви қочқан, ҳамир қилишига вақт оз, бозордан иссиг нон олдирасизми?* (А.Қодирий. “Меҳробдан чаён”)

Зид маъноли эвфемизмлар. Эвфемик маънога мезон ва меъёр белгиланмасдан, уни (эвфемани) ёндош, ўхаш, турдош, жинсдош ҳодисаларидан фарқлаб ёки чегараламасдан янги бир соҳа бўлган эвфемиологик тадқиқотни амалга ошириб бўлмайди. Бироқ эвфемизмнинг айрим бадиий-тасвирий воситалар билан бирга антонимик ҳолати ҳам ҳалигача лисон ва нутқ ҳодисаси сифатида маҳсус ўрганилмаган. Ўглим, бугуноқ *бошингни боғелаб келамиз*. (Э.Тур. “Бу тоғлар улуғ тоғлар”) Бу гапдаги бошини боғламоқ эвфемизми “бошини ажратмоқ, ўзидан сокит қилмоқ” тушунчасига антоним муносабатда бўлади. Демак, “талоқ қилмоқ”, “ажрамоқ” мазмунини берувчи *тинчитмоқ* эвфемик бирлиги ўзиники этмоқ бирлигига нисбатан зид маъноли. – *Сен тинчитмасанг, – деди Хуширўй, – бошқалар сени тинчиттар*. (А.Қодирий. “Ўткан кунлар”)

Шунингдек, *афифа, соғ* (бокира қиз) ҳамда бузилган (бокира эмас) эвфемик бирликлари ўзаро зид маъноли ифодалардир: *Алишер: ? Ишончим зўр, Гулим сен соғ эрурсен.* (Уйғун, И.Султон. “Навоий”); *Қизи тушикур жаҳжондеккина экан. Ҳайфки бузилгандан...* (А.Қодирий. «Калвак маҳзумнинг хотира дафтаридан»)

Эвфемик воситаларнинг маъно кўламига кўра таснифи. Айрим эвфемик воситалар бир маънонигина ифодалаш учун кўлланган бўлса, бошқаси бир-бирига яқин бир неча нутқий маънони ифодалаш учун ишлатилган.

Бу эса уларни моносемантик ва полисемантик эвфемик бирликлар сифатида гуруҳлаш мумкинлигини кўрсатади.

Моносемантик эвфемалар. Моносемантик эвфемалар фақат бир маънони ифодалашга хизмат қилади. Бундай эвфемалар фақат бир эвфемик маънони ифодалашга хосланганлиги, маъно кўлами ўта торлиги ва муайянлиги билан ажralиб туради. Масалан, ўлим билан боғлиқ эвфемик бирликларнинг аксарияти турғунлашган бўлиб, бошқа бир мазмунни англатмайди: *Ҳа, Абдунаби сарроj ҳам бандаликни бажо келтирди.* (Мирмуҳсин. “Қиссалар”)

Матн таркибида ҳам, матндан ташқарида ҳам бир эвфемик маънони билдирувчи бирликлардан яна бири ўлимдан кейинги ҳаёт билан боғлиқ ифодалар: *оҳират, у дунё.*

Халқ тилида ишлатиб келинган эвфемик маънога эга *афиfa* (бокира), *кўч* (хотин), *ҳолва* (қиз) каби сўзлар тушунчанинг эвфемик ифодаловчиси ни алмаштиришга эҳтиёж сезилмаганлиги боис, у биргина маънони билдириб, вақт ўтиши билан бу моносемантик эвфема сифатида тил сатҳидан ўрин олган: *Наргисхон энди бизнинг жуфти ҳалолимиз.* (У.Хошимов. “Икки карра икки беш”); *Тошканда кимсан, Юсуфбек ҳожи деганинг кўчиман.* (А.Қодирий. “Ўткан кунлар”) Шунингдек, гомосексуализм тушунчасини ифодалаш учун қўлланган айрим эвфемик бирликлар фақат шу маънода бадиий асарларда ўз аксини топади. ...*Раҳимжон бесоқоли билан сарф қилуб, уйига ўн-ўн беш кунда келса келуб, келмаса самовар ва нўмирларда Раҳимжонни айшини сурib юрар эди.* (А.Қодирий. “Жувонбоз”)

Умуман олганда, эвфемия ҳодисаси маъно юклаш, нейтрал тушунчани ёпиқ, нозик, юмшоқ ифода этиш билан боғлиқ кўчим эканлигини инобатта оладиган бўлсак, бу вазиятда моносемантик ифодалар салмоғи торайиши кузатилади.

Полисемантик эвфемалар. Тўла полисемияга жавоб берувчи эвфемалар кўп учрайди. Масалан, юқорида санаб ўтилган ўлим билан боғлиқ эвфемаларнинг баъзиларида айни ҳолатни кузатамиз:

ОРАДАН КЎТАР 1 (йўқ қил, ўлдир) *Ҳалиги Отабек қизга уйланиб қўйгач, бизнинг Ҳомид тиканга агнаб, орадан Отабек билан Мирзакарим акани кўтариш фикрига тушкан ва бўлмаган чақимчиликлар билан уларни дор остигача тортшига муваффақ бўлган...* (А.Қодирий. “Ўткан кунлар”)

ОРАДАН КЎТАР 2 (йўқ қил, тахтдан ийқит) Ё қирилиб битши ва ё Азизбекни орадан кўтаришга фотиҳа үқилди. (А.Қодирий. Ўткан кунлар); *Қўшин Тошканга етган баъдида бизлар ташқаридин ва сизлар ичкаридин бўлиб Мусулмонқулни орадан кўтаргаймиз* (А.Қодирий. “Ўткан кунлар”).

Полисемантик эвфемалар күчма маънонинг характерига кўра ҳам ички таснифига эга бўла олади. Бунда маъно кўчимининг қандай асосда эканлиги билан ётиборли. Шу боисдан полисемантик эвфемалардаги күчма маъно метафорик, метонимик, синекдохик, вазифадошлик, киноявий каби турларга ажратилиши мумкин.

Метафорик эвфема. Метафора, метонимия, синекдоха, вазифадошлик барча мажозий ифодаларнинг, жумладан, троиларнинг (эвфемаларнинг ҳам) шаклланишида асос бўлиб хизмат қиласидаги усуслар – маъно кўчиш йўлларидир. Шундай экан, эвфемия жараёнида кўчимнинг айни тури кўп ўринларда хизмат қиласиди. Бўйин билан боғлиқ эвфемик бирликлари маълум маънода нисбий эканлиги англашилади. Жумладан, бўйин эзмоқ, бўйни йўғон каби ифодаларида кишининг жисмоний ҳолати ўз ўрнида маънавий ҳолатига нисбатланади.

Метонимик эвфема. Нарса-ҳодиса макон ва замондаги ўзаро боғликлиги асосида қайта номлаш эвфемик кўчим сифатида қаралиши мумкин. Айниқса, спиртли ичимликлар билан боғлиқ эвфемаларнинг айримларида унинг яратилиши, фойдаланиш хусусиятига кўра кўчим қабул қиласидаги дори, заҳар ифодалари бунга яққол мисол бўла олади. Уларнинг маъно кўлами кенглиги спиртли ичимликнинг тавсифи, таърифи, хусусияти билан боғлиқ. Масалан, *Бек (тиёлага май қуяди): Келинг, йигингизни тарқатиш учун гулдан ясалган дори бераман*. (Чўлпон. “Ёрқиной”)

Синекдохик эвфема. Қисмни бутун билан аташ, бутунни қисм билан аташ эвфемик кўчимда ҳам мавжуд. Масалан, *түёқ сўзининг ҳайвонларга нисбатан ишлатилиши маълум*. Бироқ бадиий асарларда бу сўз эвфемик шаклда қўлланилиб, “ёлғиз фарзандлик” тушунчасининг юшокроқ шаклини кўришимиз мумкин: *Аммо сиз ҳурматуларга маълумдир, бизнинг шул Отабекдан ўзга фарзандимиз бўлмай, дунёда ўзимиздан кейин қолатургон туёқимиз ва қўз тиккан орзу-ҳавасимиз, умид ҳадафимиз факат шул Отабекдир* (А. Қодирий. “Ўткан кунлар”).

Синекдохик эвфема сифатида *турмади* ифодасини мисол қилиб олиш мумкин. Ҳомиланинг тушиб қолишини, туғилмасдан бурун нобуд бўлишини англатиб келган айни ифодадан боланинг турмаганлиги ҳақида фикр кетаётгандиги аён бўлади: – *Маргилонлиқ хотинингиздан болангиз бордир? – Йўқ... – Бўлса ҳам турмадими, уйланганингизга анча бўлди шекиллик? – Турмади.* (А. Қодирий. “Ўткан кунлар”)

Вазифадошлик асосидаги эвфема. Бу тур кўчиш ҳам ўхшашликка асосланади. Бироқ бу ерда вазифа ўхшашлигига таянилади. Фойдани тенг бўлиб олиш ҳақида тушунча бераётган *arra* ифодаси ҳам шу каби вазифадош-

лик асосида вужудга келган эвфемик бирликлар қаторидан ўрин олади: *Шашарда машұр ишончлиқ мұттахамлардан иборат камисиүнний магазин очилди... Камиссия ҳақи жуда арzon: сотиб берилған молнинг оқчаси appa.* (А.Қодирий. «Билдиришлар»)

Кинояйый эвфема. Киноя – сұзни тескари маңнода ишлатиш. Киноядаги сұз ҳозирги имлода, одатда, құштироңда берилади. Жуда күп ўринларда шахсни англатиб келган «бүйдөклар» (турмушга чиқмаган қызлар), «йигит» (номард), эвфемик кинояйый ифодалари тескари мазмунда құлланилиши кузатилади. Инсон сифатини билдириб келган «виждөнли» (виждонсиз), «келишкан» (беұхшов) ифодалари асл муддаони айтилишидан күтқарған күчим сифатида айрим асарлардан ўрин олади.

Эвфемаларнинг шаклий структурасыға құра таснифи. Айрим маңно бир сұз ёки ибора шаклидаги эвфемик восита билан ифодаланса, бошқаси бирикма ҳолидаги ифодаловчига эга, баъзан гап ҳолидаги эвфемик воситалар ҳам кузатилади. Шунга күра, эвфемик сұз (ибора), эвфемик бирикма, эвфемик гап фарқланиши мумкин.

Сұз шаклидаги эвфемик восита. Бир сұз бошқа сұzlарсиз эвфемик маңнени берган ҳолатлар талай: *appa, ахлат, қисқа* (аҳмоқ), ұчақбоши (хукумат), үйин (хийла), яра (дард), юраксиз (күркөк), юклик (хомиладор), этаксиз (бетайин), чайқовчи (олиб сотар, қаллоб), туёқ (фарзанд), тиллахона (жокатхона), оқсоқол (ароқ), обирахмат (ароқ), күч (хотин), заифа (аәл, ожиза), дүндікча (фохиша).

Шунингдек, воқелик, вазият, хатти-ҳаракатлар билан боғлиқ денотат бир сұз биланғина ифодаланғанлыгини ҳам күришимиз мумкин: Домла мударрис «замона бузуклиги»ни назарга олгани учун Абдураҳмонни ҳалиги тұғрисидан жуда қаттық назорат қиласа және Абдураҳмонниң қалыптасынан шығыпты. Бу ўринде ҳалиги сүзи замирида қаҳрамоннинг нопок хатти-ҳаракатлари ётади. Бундай қискалик — сұзға хасислик буюк ёзувчи Абдураҳмон Қодирийнинг «Үткан күнлар» асарыда ҳам ўз аксини топған: „Шундан кейин бир неча қадам босиб Отабекнинг пинжигиңе яқын келди да жасириған, ҳаяжонланған бир товуш билан сүради:

– Сиз үшами?

– Мен үша, – деди бек.

Бу иборадаги үша сұзи Кумушнинг дарды бұлғып, күнгін күнгіндеңни, бир нурафшон кунда фавқулодда учратиб қолаптаған нағыфада қолған кишисі ҳақыда сұзлайды. Үшами мен сөз, шының топқасынан үйлаб үйимга етолмаган, қанча ишләп кіндер, сизми көбін үйлап үшами деган жумласи билан жоңғантырылған, үша шығып көрсе сизни севаман!” маңносини ўзбектердің Құтупшылардың шығармаларынан алынған.

санъаткорлик белгиси. *Үша* — “муҳаббатим”, “юрагим гавҳари”, “кўзим нури”, “қалбим дури”, “севган кишим”… каби.

Ибора шаклидаги эвфемик восита. Ахлоқий ва маданий жиҳатдан қўлланиши мумкин бўлмаган ёки ноқулай деб топилган тушунчаларни анча юмшоқ тарздаги бирималар билан ифодалаш эҳтиёжи асосида фразеологизмлар шаклланиши мумкин.

Эвфемик маъно берувчи фразеологик бирликларнинг аксариятини окказионал табиатли дейиш мумкин: *тоқ келиб жуфт кетмоқчи* (“фойдаланмоқчи”), *қуриган ариқдан сув боргиишлаб, шамолдан луқма берар* (“асосиз ваъда беради”) каби эвфемик-фразеологик бирликлар шулар жумласидан.

Мавжуд фразеологизмларнинг суробини тўғирлаб қўймасинми (“таъзирини бермасинми”), кавшининг чакаги йиртилди (“овора бўлди”), бошида тегирмон юргизиш (“азоб бериш”), ёшини яшаб, ошини ошаган (“қариган”), косаси оқармай кетяпти (“камбағал”), тишишимизни тишишимизга қўйишга мажбурмиз (“чираймиз”), тирнок остидан кир излаш (“арзимаган нарсадан фавро чиқариш”), миямизни қоқиб қўлимизга берсин (“Ута эзмалик қилсин”), ярага туз сепди (“утмишини эсга солди”, “айбини юзига айтди”), қордан қутулиб, ёмғирга тутулиб (“бир ташвишнинг устига бошқа ташвиш тушиб”), бошини икки қилиши (“уйлантириш”), тогдаги машиоққа бесаранжом югуриши (“кўлдан келмайдиган ишга уриниш”), ҳолимизга мушуклар йигласун (“оғир, ёмон аҳволга тушамиз”), ебdir номаъқул бузоқнинг гўйитини (“янглишибди, аҳмоқ булибди”), оғзининг суви келгувчи (“ҳаваси келган”, “иштиёқи бор”), уста кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўргалар (“уқувсиз”, “малакасиз”, “саводсиз”), кўз бўяши (“хўжакўрсинга”, “шунҷаки”), тагига сув келади (“лавозимдан ҳайдалади”), кўксини захга бериб ётган оч-огриқ (“қашшоқ”, “камбағал”, “оч-наҳор”), оғзи ошга етган (“мақсадига эришган”), тутуни кўкка кўтарилар экан (“жаҳли чиқар экан”) каби ифодалари эвфемик характерга эга.

Сўз биримаси шаклидаги эвфемик восита. Сўз биримаси шаклидаги эвфемик восита [тобе сўз+ҳоким сўз] қолипига эга. Бундай эвфемизмлар нутқий табиатлилиги ва барқарор эмаслиги билан иборалардан фарқланади: жилови қўлида, сиёсатга тегадирган, тишилик ҳайвон (“чўри”), ёлгиз бош (“бева”, “тул”), маданий миллатлар, вақтсизроқ яратилган (“чала туғилган”) ва ҳоказо.

Илми, савияси паст, маданиятсиз кишиларга нисбатан ишлатган боши бўш, жўн одам, бўйни ўйгон, иши бузуқ каби эвфемик бирималар фикр таъсирчанлигини оширади. Бу бирликлар турғун (лисоний) бўлмай, нутқда кенг қўлланилиб, турли эвфемик мазмунда келади.

Гап шаклидаги эвфемик восита. Гап шаклидаги эвфемик воситани ажратишида содда гапнинг ўзбек анъанавий тилшунослигида тан олинган [эга+кесим] қолипига таянилади.

Дами кесилади (овози ўчади), елкаси қичимасин (“тамагирлик қилмасин”), кавшининг чакаги йиртилди (“овора бўлди”), катта толлар кесилган (“яхши даврлар ўтиб кетган”), суюклари ўлтирган (“қариб, мункайиб қолган”) кабилар гап шаклидаги эвфемик воситалардир.

Бу эвфемик воситалар гап шаклида бўлса-да, уларнинг аксарияти ибора сифатида ҳам қаралиши мумкин. Барқарорлик даражаси мазкур бирликларни ибора сифатида баҳолашга асос бўлса, лекин уларнинг [эга+кесим] шаклида эканлиги гап қолипидаги бирликлар сифатида қарашга сабаб була олади. Тил ҳодисаларининг серқирралиги тамойили мазкур бирликларни баҳолашда ҳам методологик таянч вазифасини бажаради.

Имплицит эвфемия. Бадиий матнда имплицит ифодаланган ҳақорат, қарғишилар ҳам мавжуд: Қўлингдан қамчин, белингдан оштикоқ, шопдек муртингнинг остидаги сассиқ оғзингдан “Қизингни... онангни... динингни... отабононгни...” деган зикри олийлар доим фавора урар эди (А.Қодирий. “Мочалов”). Бу ерда ҳақорат кўп нуқта билан берилган. Имплицит ифодада табулаштирилган воқеликнинг эвфемик воситаси кўпинча қўлланмай, улар замиридаги тушунчалар контекст ва интонация (оҳангнинг бирдан кесилиши, тўхтаб қолиш, чўзилиши, тугалланмаганлиги, сукут, давомлилик кабилар) орқали англashingлиб туради. Негаки, матн моҳиятни шунга яқин тушунчани киши онгига ундейди. Барibir, биринчи ярқ этиб пайдо бўлган фикр тўғри бўлиб, айтиш нокулай, нутқий этикага мос келмаслиги сабабли маданият юзасидан қўштироқда берилади ёки кўп нуқта билан ёзилади: 1. Ўйлаб, қизнинг аслини билдимки, онаси юқоридан тавба қилиб тушган ҳаромзодаларданdir ва отаси ҳам ...ларданdir. («Калвак маҳзумнинг хотира дафтаридан», Диёри бакр. 299-б.) 2. Мен шу замоннинг ҳезалакларига сира тушунолмадим-да, вой, дедим, вой сани уша олипта қўлуб туққанни... дедим. (А.Қодирий. «Тошпўлат тажанг нима дейди?»)

Эвфемик маъноли бирликларнинг қўлланиш хусусиятлари. Эвфемик нутқ тафаккурнинг, инсон ақл-заковатининг олий формаси, “қаймоғи”, воқеликнинг пардозланган, “парда ичига олинган”, беозорлаштирилган, юмшатилган образли ифодасидир. Кўчимларнинг маъноси жуда мураккаб бўлиб, у ҳар гал нутқ жараёнида услубшуноснинг сўз қўллаш, ибора танлаш маҳорати, мақсади, диди билан боғлиқ фаолиятида реаллашади, – дейди А.Омонтурдиев “Ўзбек тилининг эвфемик асослари” асарида.

Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” асарининг дастлабки қисмида Ҳомид, Раҳмат ва Отабекнинг уйланиш ҳақидаги суҳбатларида мувофиқ

сүзи жуда күп ўринларда құлланилганини кұрамиз. Ҳар құлланишда бир маңын зохир бұлади. Қайсирир ўринда маңын учун құпоп сүз юмшатиласы, бошқасида эса, аксинча, құпоп сүз бошқасига алмаштирилади.

Ёзувчининг сүз танлай олиш маҳорати шундаки, “характерга мос келмоқ” фикрини ифода этиш учун бүекли сүзлар қидириб үтиrmайды. *Мувоғиқ* сүзіда ушбу контекстдагидек “мени тушунадиган”, “менга ёқадиган” каби тушунчалар ҳам мавжудлігini ҳис қылған ҳолда құллайды. Нутқ жараёндаги этика талаби ана шундай эвфемик ҳодисанинг юзага келишига турткі бұлади. Биргина сүз мисолида, унга эвфемик “масъулият” юқлаш баробарида, адіб нафақат мубоқасадаги кишиларнинг маңавий қиёфасини чизади, балки ўз муносабати учун бу сүзни хизмат қылдиради. Баҳлашувчилар ўз фикрларини очиқ айтмайдылар, ҳар бири “мувоғиқ-лик”ни ўз “қаричи” билан үлчайды, үзича тушунади ва талқын қылади. “Күнглини топиш”, “хизматини қилиш”, “райини қайтармаслик”, зарур әхтиёjlарига хизмат қилиш” каби маңылум даражада очиқ айтиш мүмкін бўлмаган маңыларни фақат шу сүз ифодалайды. Ёзувчи гарчи Ҳомидга салбий қаҳрамон мақомини берган бўлса-да, унинг оғзига ҳам фақат пардаланган сүзларни “солади”, уни ҳам, ким ва қандай одам бўлишидан қатын назар, миллій ибо ва андишадан холи кўрмайды, ўқувчига бепардоз на мойиш қылмайды. Бунда адібнинг миллій ибо ва назокатни қанчалик устувор туттганлигига амин бўлиш мүмкін. Адібнинг мақсади бу ерда *мувоғиқ* сүзини ёлғиз қўллаб, ҳар гал “муносиб”, “лойиқ” тушунчаларининг безакли, шунингдек, таъсирчан кўринишига эришади. Бу эвфема ҳам бошқа эвфемаларда бўлгани каби, кишида ижобий таассурот қолдириш, ёқимсиз сүзларни ошкор айтмаслик вазифасини бажаришга йўналтирилган.

Шунингдек, адіб ўринсиз қайтариқ нутқий “чучмаллик”ни келтириб чиқаради. Бир гапдаги *табъга* *мувоғиқ* сүз бирикмаси иккинчи мисолда қўшма сүз –*мувоғиқуттабъ* шаклига келади. Сүз бирикмаси матн ичида ўз маңносида тушунилган бўлса, иккинчи гапдаги қўшма сүз “танланган жуфтингидидаги инсон” маңносини берувчи ушбу ифода фикрни бойитади. Бу билан тингловчига нисбатан “сен ҳам унга ёқишинг” керак” дегандек бўлади, аммо унинг хотирасида нохушликни уйғотмаслик мақсадида юмшокроқ шаклда баён этади: – *Хотинга мувоғиқ бўлиш ва бўлмаслиқни унча кераги йўқ*, – деди Ҳомид эътиrozланиб, – хотинларга “эр” деган исмнинг ўзи кифоя... аммо жисян айткандек, хотин деган эрга *мувоғиқ* бўлса бас.

Юқорида *мувоғиқ* бўлмоқ жумласи “маъқул бўлмоқ” тушунчасини берётганини сезамиз. “Хотинга ёқиши”, “хотиннинг эрга маъқул бўлиши”

каби мuloҳазалар нозик эвфемик воситалар ортига беркиниб, беодобликни, нутқий одоб-ахлоқ бузилишининг олдини олмоқда. Дунёқарашиб, маданий савия эса тилга кўчмоқда.

Масалан, мен ота-онамнинг ёқдиршилари билан уйландим... аммо хотиним ота-онамга **мувофиқ** бўлса ҳам менга **мувофиқ** эмас, сиз айткандек, эҳтимол, мен ҳам хотинимга **мувофиқ** эмасдирман... жумласида кўпроқ “тўғри келмоқ”, “ёқтироқ” тушунчалари англашилади. Нутқий контекст “ота-онам учун яхши бўлса ҳам менга маъқул эмас, эҳтимол, мен ҳам ёқмасман” гапидаги ажратилган бирликлардан кўра мутаносиб сўзини талаб қилмоқда. Чунки нутқ жараёнидаги сўз ўринида **мувофиқ** сўзи асос сифатида ҳар хил рангда кўринмоқда. Берилаётган ҳар бир фикр мазмунини ўз ўринида ифодаламоқда.

Хотининг кўнглингга **мувофиқ** келмас экан, **мувофиқини олиб**, хотинни икки қил жумласидаги икки ўринда ишлатилган айни ифодалар антоним ҳодисаси юз беришига сабаб бўлди. Беозор кўринишга келтирган ушбу эвфемик воситалар қанчалик гўзал бўлмасин, нозик маъно ифодаламасин, салбий моҳиятини йўқотмаётир: – “Хотининг ёқмаса, яхшисини ол”.

Хотиним **мувофиқ** эмас деб зорланаб, ҳасратланиб юриши эр кишининг шии эмас. Бу ерда “мувофиқ келмоқ”нинг ўrnига “мувофиқ эмас” каби эвфеманинг янги, қуляйроқ, аммо бизнингча, юмшоқ эмас, аксинча, дағарлоқ кўриниши қўлланилган. Қиёслаймиз:



Демак, тилнинг тараққиёти натижасида эвфемаларнинг янги шакллари, айтилиши мезёр бўлиб келган кўпгина сўз ва иборалар ўринда унга нисбатан янада кулагай, сўзловчи ва тингловчи учун ёқимлироқ бўлган ифодалар пайдо бўлаверади. Ҳассос ва, шунинг баробарида, сўзга “хасис” адаб Абдулла Қодирий эса турли мазмундаги тушунчаларни ифодалаш учун бир сўзнинг ўзинигина эвфема сифатида қўллайди, ажабланарлиси шуки, у кишини зериктириш ўrnига жалб қиласиди, тортади. У нарса ёки воқеликни кузатиб, муҳим белги-хусусиятларни ажратади, умумлаштиради, маконий-замоний боғланишларни аниқлайди ва турли хил туста солади. Бора-бора бу услугади асарларининг бир неча ўринларида қўлланилганинг гувоҳи бўламиз. “Мехробдан чаён” романидаги Гулшонбо-

нуниң ҳарам қызлари билан бўлган сұхбатида маънисиз ифодасини, “Ўткан кунлар”даги Отабекнинг Кумуш билан бўлган сұхбатида ҳамроҳ, бирав, йўлдоши ифодасини юқоридаги мувофиқ ифодаси каби турли рангда, омонимик-полисемик характерда ифодалайди. Қўйида Отабек ва Кумуш баҳсидан ўрин олган ҳамроҳ бирлиги воситасидаги сўз ўйинига мурожаат қилалими:

– Бу нима деган сўзингиз тагин?

– Яъни ҳамроҳим бор деганим – мендан қўрқманг, деганим...

Отабек яна тушуунмади...

– Ҳамроҳингиз...

– Ҳамроҳимми? – деди Кумуш, – ҳамроҳим бироннинг хаёли, бироннинг фикри. Бас, бундан ҳам яхши рафиқ борми? Баъзи вақтларда бу йўлдош ўйкудан ҳам ширин.

Отабек ҳамроҳга тушуунди ва ётиб Кумушнинг юзидан ўпди:

– Лекин бу сўзингизга шионмайман.

– Нега шионмайсиз?

– Негаки, сиз анови... кечаси ҳамроҳсиз эдингиз... Пиш-пии ухлар эдингиз...

Кумуш Отабекнинг елкасига қўлини ташлади:

– Ўшал вақтларда ҳамроҳсиз ухлаганим тўғри, – деди, – чунки бирорлардан бутунлай умидим кесилган, ҳамроҳим менга ҳамиша умидсизликгина берар, даҳшатимнинг ортдирап эди. Аммо ўша кунларда ўйқу менга жуда ширин бир нарса бўлиб қолган, мен ўйкудагина бирорларни кўрап ва кундузлари ўйқу қидирап эдим. Энди бўлса яна йўлдошим хаёл... Тағин нима дейсиз?

Адид Отабек учун дастлаб ҳамроҳ сўзини бошқа бир киши ҳақидаги, Кумуш учун эса Отабек ҳақидаги хаёлнинг эвфемик ифодаси сифатида беради. Матн давомида Отабек сўзининг эвфемик мазмунини англаб етади. Кумуш эса яна бироннинг ўзига нисбатан эвфемик восита сифатида қўллайди. Ҳамроҳ сўзи аслида кишига нисбатан қўлланади. Отабек унинг эгалик шаклида қўлланаётганлиги асосида ўзига нисбатан айтилаётганлигини англаб етади. Бу ўринда ўзбек аёлига хос ички маданият ва андиша намоён бўлади. Ҳатто очиқ айтиш мумкин бўлган вазиятда ҳам Кумуш андиша чегарасини босиб ўтмайди. Кўринадики, ушбу ўринда ҳар учала сўз гўзал мутаносибликни ҳосил қиласди.

Оғир табиатлик, улуг гавдатлик, кўркам ва оқ юзлик, келишган қора кўзлик, мутаносиб қора қошлиқ ва эндигина мурти сабз урган бир йигит. Севимли қаҳрамонимиз Отабек таърифланган ана шу бир жумланинг ўзидаёқ сўз заргарининг тилга қанчалик зътиборли эканлиги кўринади. Оғир табиат

лик ибораси “ўзини туга билган”, “сипо”, “вазмин”, “босиқ” каби тушунчаларни ифодалайди. Аммо адид танлаган сўз биримаси нутқий вазиятни, объектни тасвирлаш учун қулланилаётган бүёқдор сўз – эвфема бўлиб, ўзининг анъанавий мукобиларидан, лисоний ёки нутқий маънодошларидан бадиий-эстетик вазифаси жиҳатидан анча устуворлиги билан ажралиб туради. Отабек сипо ёки босиқ эмас,айнан оғир табиатлик. Бу тушунчада умумийликка хос мантиқ мавжуд. Ўзини тутуб олган, сипо бирликлари – кўпроқ салбийликка мойил ифодалар. Адид ўзи хайриҳоҳ Отабекни эмас, балки Хомид ёки бошқа салбий образ портретини чизгандага шу сўзларни қўллаши мумкинлиги эҳтимолдан холи эмас.

Айни жумланинг мутаносиб қора қошлиқ сўз биримаси кишини ўзига жалб қиласмиай қўймайди. Нутқий эвфемани, асосан, матн бошқаришини назарда тутган ҳолда айтиш мумкинки, Отабекнинг қўркамлиги ташқи қўринишдаги мутаносибликтининг мавжудлигига, қошларнинг тенг ўтчамли, мунтазам жойлашганлигига. Эвфемизация ҳодисаси юз берди дейишимизга сабаб, қошларни бир-бирига мос демасдан, мунтазам жойлашган дейишда, бу билан нутқдаги сўзларни чиройли синоними билан алмаштирилишида намоён бўлади.

Жумладаги барча бўёкли сўзлар қаторида мурти сабз урган ибораси эвфемиклик талабига жавоб беради. Чунки эвфема – юмшатувчи бирлик. Сабз яшил ранг маъносидан ташқари, “ғўр”, “хом”, “янги”, “ёш” маъноларини ҳам англатади. Мурти (мўйлов)га нисбатан ишлатилган сабз сўзи кўчма маънода “усиб, униб чиқа бошламоқ”, “ниш урмок” тушунчаларини беради. Отабекнинг эндиғина мўйлови ўсаётган эди жумласидан кўра мурти сабз урган ифодаси кишида ижобиyroқ таассурот қолдириши табиий. Мурт сўзини юмшатиш учун сабз сўзи ёрдамга келган. Адиднинг мурт сўзини Хомиднинг жияни Раҳматни тасвирлаётганида “...юзга тўла. озроққина соқол-муртлик, йигирма беш ёшлар чамалиқ бир йигит...” тарзида қўллади. Бу ерда эвфемага мурожаат қилинмайди. Озроққина сўзи ҳам сабз урмок бирлигининг маъносини тўла акс эттирмаса-да, контекстуал маъно жиҳатидан яқинлиги маълум. Адиднинг қаҳрамонга бўлган муносабати тилга кўчади. Юқорида келтирилган икки гапда эвфемизмлар икки ва тўртта компонентдан ташкил топган сўз бирималари бўлиб, улар ўзаро синонимик қаторни ҳосил қилган.

Отабекнинг маънавий отаси Ҳасаналининг эса “...тўғарак қора кўзлик, оптоқ узун соқоллик...” лигига “яхши хислатларга бой нуроний ота” маъносига бор. Кўзларнинг тўғараклиги – айланана, доира шаклидаги соддалик, беғуборлик аломати. Адид шу ўринда думалоқ сўзини ишлатса ҳам бўлар эди. Аммо у юқоридағи гўзал ифодага эриша олмас эди. Отабекни

келишгап қора күзлик, Ҳомидни өзінің тарзидан тасвирлайды. Инсон табиати, характеристикасындағы акс этады. *Келишгап сүзи күзге нисбатан ишлатилғанлығын* фақат Қодирий ижодидагина құрамиз. “Хүшбичим”, “бичими тұғри” маңындарини берувчи бу ифода аксарият қолларда қадді-қоматта нисбатан құлланилиши маълум. Аммо барча ижобий характеристерге әга, “пардозланған” сүзлардан Отабек образини яратып ёзуvinin асосий вазифаси эди.

Эвфемик мисоллар, айниқса, сиёсий ҳаётта оид масалаларда күп құллаңғаныни ҳис этиб турамиз: *Сайдовлар* үчүн ишгарылар бу хилда “**халол касб**” билан күн күрши мүмкін бўлса бўлгандир; аммо энди, айниқса бу күн, яъни ёргу очиқ кунда ўғришик?! (А. Қодирий. “Луғат пурратчилиги ва қуруқ расмият”)

Ўша давр муҳити “ёпиқ” ифодаланған юқоридаги жумлада ёргу очиқ күн сүз бирикмаси құлланишида сиёсий мавсумни янги нутқий бирлик билан ифодалаганлығын құрамиз. Яъни бу бирикма “демократия, ошкоралик, адолат равнақ топган бир давлатда ўғрилик қилиниши ажабланарли ҳол” маъносини берәётір. Абдулла Қодирий үчүн қулай усуллардан бўлган пичинг эвфема құллашга асос бўлиб хизмат қўлмоқда. Бу билан ўша давр сиёсатининг носозлигидан шикоят мазмуни англашилаётір. Шу ўринда бир жумланинг ўзіда бир сўзни икки бора тақрорламаслик мақсадида синоним – ўғри сўзининг “халол касб” эвфемаси ҳам берилади. Натижада, пичинг маъноси юзага чиқади.

Ёзуви ижодида бош сўзни ажратып қийин бўлган ва бунда матн мазмунидан келиб чиқиш лозим бўлган ҳолатларга ҳам дуч келинади. Масалан, “Рўзгор” деган сўз “**чор ишқал**”нинг биринчиси. Нима бўлганда ҳам бу “ишқал”дан чиқиши керак. Ўзакентдан колхозчилар үчүн бугдой сотиб олинади. Бугдой у қадар иззатталаб бўлмаса ҳам, Ёрқориев бугдойни “истикбол қилиши” учун ячейка котиби Қобиловни йўлга чиқаради. Лекин... лекин шу қадар иззат ва эжтиёж билан келтирилган бугдойнинг вазни күтилмаганда 240 кг. кам келади. Ёрқориев ҳам бунга “таасуф” баён қилиб, акт билан “таъзия” изҳор қилади (А. Қодирий. “Узи хон, қўланкаси майдон”). Бутун контекст мазмуни ўғирлик ҳақида эканлиги маълум. Қолаверса, чиройли сўзларни ишлатиш билан бир қаторда, улар қўштириноқ ичига олинади. Юқорида айтганимиздек, ёлғиз эвфемадан фойдаланилмай, киноя қилиниб, дисфемик кайфият уйғотилған.

А. Омонтурдиев сиёсий публицистик услубдаги ҳар қандай танқидий тушунчаларни ҳамма вақт ҳам ошкора ифодалаб бўлмаганлығидан баъзан мажозийлаштирилишини таъкидлайды ва юмшоқ – “ёпиқ” шаклда ишлатилған ҳар қандай эвфемик ифода воситаларини сиёсий-бадиий ёки

сиёсий мажозий эвфема деб аташ мумкинлигини айтади. Масалан, *Танқид қылган кишиларнинг хотинлари чопиқ вақтida ишилаб турган жойидан ҳайдалади* (чунки бунда иши нуқтаи назаридан эмас, *нафсоният нуқтасидан иши юрийди*). (А.Қодирий. “Ўзи хон, кўланкаси майдон”). Айни жумладаги қўпол мазмун ҳар қанча эвфемалаштирилган бўлмасин, пичинг ҳавоси уфуриб турганини ва мазмунини юмшата олмаётганини сезиб турамиз. Интим муносабатга алоқадор эвфемик воситаларни А.Омонтурдиев ўзининг “Ўзбек тилининг қисқача эвфемик луғати”га тўплаган, улар сирасига ҳалқ орасидаги 150 дан ортиқ иборани киритган. Аммо Абдулла Қодирийнинг юқоридаги иборасида шу мазмунни берувчи эвфеманинг янги, ҳеч қаерда учрамаган ўзига хос шакли кашф этилган.

“Лавозимдан кетиш” тушунчасига мисол: “*Бумъалумотни олгач кечакундуз: “Эй бор худоё, Керенский ҳукуматини қиёматгача оёғдан ийқитма!*” деб дуо қулмоқга киришиди”. (А.Қодирий. “Тинч иш”) Ёки Баракалла большавойингга, баракалла большавойингга, *хун қилупти-да! Оқ подшоҳлигини бўрнидан чиқарибди .. Хоҳ, хоҳ, хоҳ, хо-о-о...* (А.Қодирий. “Отам ва большевик”)

Давр тақозосига кўра, рус сўзига нисбатан иззат-хурматни англатувчи эвфемалар кўп бўлган. Мисол учун, *огамиз*, улуг *огамиз*, *кантта миллат* каби. *Рус тўралари сути оппоқ ва ширин сигирларни қўлдан чиқаршини истармиди?* (Чўлпон “Кеча ва кундуз”). Юқорида келтирилган мисоллар кишида табассум уйғотгани баробарида, таассуф, миллатнинг кечираётган турмушига нисбатан ачиниш ҳиссини ҳам беради.

Оқсоқ Темир, Аҳмад Яссавий, шоҳ Майраб марҳумларининг қабрларини бузуб наъшларини² Татаристонга кўчирилганда ўзбеклар чурқ этмай, балки кўмак берурлар. Навоийнинг татарми ва ё ўзбекмилиги масаласи алоҳида бир ўлтиришида ҳал қилинур (А.Қодирий. “Билдиришлар”).

Кулгига чақиравучи “пора”, “нобол келишув”, “яширин савдо” тушунчаларини берувчи ҳал қилинур бирикмасини алоҳида бир ўлтириши ибораси орқали янада бўрттирилиб, фикрда салбий муносабатнинг, гайриоддий ҳаракатнинг эвфемик ифодасини бераётir.

Мустаҳкамлаш учун савол ва топшириқлар

1. Эвфемизм нима?
2. Эвфемизмни мавзувий таснифланг.
3. Эвфемизмнинг структурал таснифи ҳақида гапиринг.
4. Сўз-эвфемага мисол келтиринг.

² Наъш – жасад

5. Эвфемик бирикма хусусида нималар дея оласиз?
6. Гап-эвфема нима?
7. Маънодош-эвфемага мисол келтиринг.
8. Шаклдош-эвфемага мисол келтиринг.
9. Зид маъноли эвфемага мисол келтиринг.
10. Эвфемик бирликнинг маъно қўламига кўра таснифи ҳақида гапиринг.
11. Эвфемизмнинг метафорик, метонимик, синекдохик, вазифадошлиқ асосида маъно кўчиш усулларига мисоллар келтиринг.
12. Имплицит эвфема нима?
13. Эвфема қўллаш маҳорати хусусида нималар дея оласиз?
14. Портрет эвфемаси нима?
15. Бадий эвфема деганда нимани тушунасиз?
16. Публицистик эвфема қандай ҳолатларда қўлланилади?

АМАЛИЙ МАШГУЛОТ УЧУН МАШҚЛАР

1-машқ. Гаплардаги кўчма маъноли бирликларни аниқланг. Бу бирликлар ифодалайдиган денотатларнинг асл тушунчасини топинг. Кўчма маъноли бирликларни иккига ажратинг: а) денотатни “юмшоқ” ифодалаган бирликлар; б) услубий бўёқ учун фойдаланилган бирликлар. Бирликнинг маънони “юмшоқ” ифодалаши сабабини тушунтиринг.

1. Бунга ўшиаган бир кам юзлар болпаяти-да, жамиятни. (С.Аҳмад.)
2. Сотиболдининг хотини оғерб қолди. (А.Қаҳҳор.) **3.** Ёпиқлиқда кун кечириши азобини мендан сўранг. (Шукрулло.) **4.** Ўртоқларим юраксиз йигитлар эмас, бу ёгидан хотиржамъ бўлингиз. (А.Қодирий.) **5.** Бу қиз не-не орзу-умидлар билан у билан бир ёстиққа бош қўйди. (А.Жума.) **6.** Бу киши кимингиз? – деб сўраган саволига жавоб топишга улгурмаган эдим, ўзи ёрдам қилди: – Аҳлиятингизми? – Ҳа, аҳлиятим деб қутулдим. (Чўлпон.) **7.** Ҳозир яна унинг буйида бўлган, уч ойдан кейин фарзанд тугилиши керак. (П.Қодиров.) **8.** Ўзрилар эса баҳузур “ши”ни давом эттиридилар. (А.Қодирий.) **9.** Столнинг устига тентак сувни келтириб қўйди. (С.Сиёев.) **10.** Нурматжон магазиндан ароқ олганида “уйга бориб, ёнбошлиб майдалайман”, деб ўйлаган эди. (С.Аҳмад.)

2-машқ. Берилган гаплардаги эвфемик маъноли бирликларни аниқланг. Бу бирликларни қўйидаги белгилари асосида таснифланг: а) маъно қўламига кўра: моносемантик эвфемик бирлик, полисемантик эвфемик бирлик; б) лексик-семантик муносабатига кўра: шаклдош, маънодош, зид маъноли; в) шаклига кўра: сўз (ибора) шаклидаги эвфемик бирлик, бирикма шаклидаги эвфемик бирлик, гап шаклидаги эвфемик бирлик.

1. Соқолига оқ тушиган Дөхқон ота минбарда. (Х.Олимжон.) 2. Ўтирганларнинг ҳаммаси оқ ишиди (Мирмуҳсин.). 3. Ҳұмса семизинг келдікеттіни фақатта оқсоқол билан сугорар экан. (А.Қодирий.) 4. Бугун ёши олтмишининг нари-берисіда бұлған ёки умри вафо құлмай ҳаётдан күз юмған “иккінчи авлод” деб атальши оқсоқолларымыз ҳақида гапирамиз. (Ү.Хошимов.) 5. Ұзингизга маълум, бишідан бери келинингиз билан... Энди алмаштирай десам, бир ёги Шамси акамларга қариндош. (Н.Амин.) 6. Жүн одамлар қаторида одам үлдириб юрдим, дегин? (А.Қодирий.) 7. Салимхоннинг ёніга چүккалаб, – занжирни шиқырлатсам ҳам, деворни үйкүтіб кирсам ҳам, эрта-индин тұртта солдат олдига тушамиз. (А.Қаҳхор.) 8. Ҳа, үша Шоназар aka беш иш олибди. (Н.Амин.) 9. Хоним, муборак бұлсın, қызыңғыз үңгайгина қутылды, үгілгина экан. (М.Козимий.) 10. Мен сени ҳалол үлдош құламан деган әди. (Чұлпон.)

СЕМИНАР МАШГУЛОТИ

Режа:

1. Тилшуносликда эвфемизмларнинг үрганилиши ҳақида.
2. Эвфемик маъноли бирликларнинг таснифи масаласи.
3. Бадиий матнда эвфемик маъноли бирликларнинг құлланилиши.

Семинар машғулотида құйилған масалаларга тайёрланиш учун услубий тавсиялар

1-масала. Эвфемизм ҳақида. Европа тилшунослигінде эвфемизмларнинг үрганилиши. Ўзбек тилшунослигінде эвфемизмларнинг үрганилиши. Н.Исматуллаевнинг қарашлари. А.Омонтурдиевнинг ишлари.

Тавсия этиладиган адабиётлар:

1. Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. — Т.: Фан, 2002. — Б. 146.
2. Омонтурдиев А. Ўзбек нутқининг эвфемик асослари. — Термиз: НС, 2000. — Б. 128.
3. Омонтурдиев А.Ж. Ўзбек тилининг қисқача эвфемик луғати. — Т.: Фан, 2006. — Б. 134.
4. Қодирова Х.Б. Абдулла Қодирий асарларыда қисқача эвфемик ва дисфемик маъноли бирликлари луғати. — Тошкент: Янги аср авлоди, 2009. — Б. 64.
5. Миртоҗиев М. Ўзбек тили семасиологияси. — Тошкент, Мумтоз сүз, 2011, Б.119Ь127.
6. Қодирова Х.Б. Абдулла Қодирийнинг эвфемизм ва дисфемизмлардан фойдаланиш маҳорати: Филол.фан.ном. ...дисс. — Т.: 2012.

2-масала. Лисоний тасниф ҳақида. Ўрганиш обьектининг серқирралиги ва тилшуносликда эвфемизмларни таснифлаш муаммоси. Эвфемизмларни таснифлашда тасниф белгисини танлаш масаласи. Ўзбек тили эвфемизмларини мавзувий таснифлаш масаласи. Ўзбек тили эвфемизмларини семантик таснифлаш масаласи. Ўзбек тили эвфемизмларини структур таснифлаш масаласи.

Тавсия этиладиган адабиётлар:

1. Исматуллаев Н. Ўзбек тилидаги эвфемизмлар ва уларнинг классификациясига доир // Ўзбек тили ва адабиёти, 1964. № 1. – Б. 57.
2. Омонтурдиев А.Ж. Профессионал нутқ эвфемикаси. – Тошкент: Фан, 2006.
3. Қодирова Х.Б. Шахсни англатувчи эвфемик воситалар // XX асрда шахс камолоти муаммолари. – Тошкент, ? 2010 йил, 17 февраль, Б.163-165.
4. Омонтурдиев А.Ж. Эвфемик омонимияга доир // Тилшуносликнинг долзарб масалалари. 1-қисм. – Т.: Университет. 2002. – Б. 70-73.
5. Шамсиддинов Ҳ. Сўзларнинг эвфемик функционал-семантик синонимлари // Ўзбек тили ва адабиёти, 1997. – Б. 22-25.
6. Қодирова Х.Б. Abdulla Qodiriy ijodida evfemik omonimiya // Айюб Фуломов ва ўзбек тилшунослиги масалалари (Илмий маколалар тўплами). – Т.: Университет, 2009. – Б. 87-90.
7. Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2011, Б.119-127.
8. Қодирова Х.Б. Маънодош эвфемалар // Айюб Фуломов ва ўзбек тилшунослиги масалалари (илмий тўплам). – Тошкент: 2010 йил. Б. 75-77.

3-масала. Бадиий эвфемизм бадиий маҳорат маҳсали сифатида. Эвфемизмларда миллий менталитетнинг намоён бўлиши. Атоқли адилларнинг эвфемизмларни қўллаш хусусиятлари. Публицистик эвфемия ҳақида. Публицистик эвфемияда шахс тавсифи. Тарихий шахсларга нисбатан қўлланган эвфемизмлар.

Тавсия этиладиган адабиётлар:

- 1.Шамсиддинов Ҳ. Сўзларнинг эвфемик функционал-семантик синонимлари // Ўзбек тили ва адабиёти, 1997. – Б. 22-25.
- 2.Қодирова Х.Б. Абдулла Қодирийнинг эвфемизм ва дисфемизмлардан фойдаланиш маҳорати: Филол.фан.ном. ...дисс. – Т.: 2012.
- 3.Омонтурдиев А.Ж. Профессионал нутқ эвфемикаси. – Тошкент: Фан, 2006. – Б. 65.

АДАБИЁТЛАР

Асосий адабиётлар

1. Исламулаев Н. Ўзбек тилидаги эвфемизлар ва уларнинг классификациясида доир // Ўзбек тили ва адабиёти, 1964. — № 1. — Б. 57.
2. Исламулаев Н. Эвфемизмларнинг луғат составини ва сўз маъноларини бойитишдаги аҳамияти // ТошДПИ илмий асарлари, 1964. 2- китоб. — Б. 3-12.
3. Менглиев Б., Сайфуллаева Р. ва бошқ. Миллий тилшунослик мустақил ривожланиш йўлида // Маърифат, 2007.
4. Омонтурдиев А. Ўзбек нутқининг эвфемик асослари. — Термиз: НС, 2000. — Б. 128.
5. Омонтурдиев А.Ж. Профессионал нутқ эвфемикаси. — Тошкент: Фан, 2006. — Б. 65.
6. Омонтурдиев А.Ж. Ўзбек тилининг қисқача эвфемик луғати. — Т.: Фан, 2006. — Б. 134.
7. Омонтурдиев А.Ж. Эвфемик омонимияга доир // Тилшуносликнинг дол зарб масалалари. I-қисм. — Т.: Университет. 2002. — Б. 70-73.
8. Сайфуллаева Р., Менглиев Б., Боқиева Г. ва бошқ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. — Тошкент: ФТМ, 2009.
9. Ҳожиев А. Тилшунослик терминларнинг изоҳли луғати. — Т.: Фан, 2002. — Б. 146.
10. Шамсиддинов Ҳ. Сўзларнинг эвфемик функционал-семантик синонимлари // Ўзбек тили ва адабиёти, 1997. — № 6. — Б. 22.
11. Шомақсудов А., Расулов И., Кўнгурев Р., Рустамов Ҳ. Ўзбек тили стилистикаси. — Тошкент: Ўқитувчи, 1983. — Б. 148.
12. Қодирова Х.Б. Abdulla Qodiriy ijodida evfemik omonimiya // Айюб Фуломов ва ўзбек гиљунослиги масалалари (Илмий мақолалар тўплами). — Т.: Университет, 2009. — Б. 87-90.
13. Қодирова Х.Б. Абдулла Қодирий асарларида қисқача эвфемик ва дисфемик маъноли бирликлари луғати. — Тошкент: Янги аср авлоди, 2009. — Б. 64.
14. Қодирова Х.Б. Абдулла Қодирийнинг эвфемизм ва дисфемизмлардан фойдаланиш маҳорати: Филол.фан.ном. ...дисс. — Т.: 2012.
15. Қодирова Х.Б. Маънодаш эвфемалар // Айюб Фуломов ва ўзбек тилшунослиги масалалари (илмий тўплам). — Тошкент: 2010 йил. Б. 75-77.
16. Қодирова Х.Б. Шаҳсни англатувчи эвфемик воситалар // XX асрда шахс камолоти муаммолари. — Тошкент: 2010 йил, 17 февраль, Б.163-165.
17. Миртоҷиев М. Ўзбек тили семасиологияси. — Тошкент, Мумтоз сўз, 2011, Б.119-127.

Қўшимча адабиётлар

1. Артюшкина Л.В. Семантический аспект эвфемистической лексики в современном английском языке: Дисс...канд. филол. наук. — М.: 2002. — С.157.

2. Бердова Н.М. Эвфемизмы в свете теории вторичной номинации. Дисс... канд. филол. наук. – М.: 1998. – С. 148.
3. Исламутлаев Н. Эвфемизмы в современном узбекском языке: Автореф. дис... канд. филол. наук. – Т.: 1963. – С. 19.
4. Крысин Л.П. Эвфемизмы с современной русской речи. Русский язык конца столетия. – М.: ЭКСМО, 1996. – С. 432.
5. Москвин В.П. Эвфемизмы в лексической системе современного русского языка. – М.: 2007. – 264 с. // <http://urss.ru/cgi-bin/db>.
6. Омонтурдиев А.Ж. Бир сўз лугати. – Термиз: Жайхун, 1996. – Б. 45.
7. Потапова Н.М. Краткий обзор некоторых исследований эвфемизмов. Язык, сознание, коммуникация: Сб. статей / Отв.ред. В.В.Красных, А.И.Изотов. – М.: МАКС Пресс, 2007. – Вып. 34. – С. 108-110.
8. Сат Ш.Ч. Табу и эвфемизмы в тувинском языке // Советская туркология. – Баку, 1981. – С. 266-268.
9. Шахжури К.К. Эвфемизмы и их роль в изменении значения слов: Автореф. дисс...канд. филол. наук. – Тбилиси: 1956. – С. 17.

ДИСФЕМИЗМЛАР

Режа:

- 1.Дисфемизмнинг ўрганилиш тарихи.
- 2.Дисфемизмнинг таснифи.
- 3.Дисфемик маъноли бирликларнинг қўлланиш хусусиятлари.

Таянч тушунчалар:

дисфемизм, жаргон, арго, мавзувий тасниф, структурал тасниф, сўз-дисфема, бирикма-дисфема, гап-дисфема, маънодош-дисфема, шаклдош-дисфема, зид маъноли-дисфема, моносемантик дисфема, полисемантик дисфема, дисфема қўллаши маҳорати, бадиий дисфемизм, сиёсий тушунча дисфемизми

Дисфемизмнинг ўрганилиш тарихи. Эвфемизмнинг акси ҳисобланган дисфемизм ҳодисаси ҳам қадимдан мавжуд бўлган бўлса-да, эвфемизмдан фарқли ўлароқ, кам ўрганилган. Бунинг сабабини эса юқорида айтилганидек, маданий мулоқот меъёларидан излаш муҳим. Чунки улар бадиий адабиётда, маданий мулоқот муҳитида одоб нуқтаи назаридан берилиши мумкин бўлмаган бирлик сифатида қаралган. Одатда, тилшуносликка оид лугатларда дисфемизм хусусида алоҳида тўхталинмай, унга эвфемизм бўлимида йўл-йўлакай изоҳ берилиб кетилади. Бунга мисол сифатида В.Н.Ярцева таҳрири остида чоп этилган “Лингвистический энциклопедический словарь”ни олиш мумкин. Унда эвфемизм хусусида сўз кетганда

йұл-йұлакай “услубий ва эмоционал бетараф сүзни нисбатан қупол, ноқулай сүз билан алмаштириш” дея таърифланади ва упастың сүзининг дисфемизми сифатида загреметь, заплакать сүзининг дисфемик варианти сифатида рассопливаться, ұлмоқ сүзининг дисфемик құрниши сифатида сыгратть в ящик бирикмаси берилади.

Дастлаб, Оврупо тиішунослари әзтиборини тортган айни ҳодиса Видлак, Жельвис, Кацев, Шейгалъ, Allan, Giezek каби олимларнинг ишларыда үз аксина топади. Уларда таъкидланишича, дисфемизмларнинг эвфемизм билан үхашш томони шундаки, денотатга маълум коннотатив мазмун юклайди, тил сатҳида синонимик қаторни ташкил этади, эвфемизм билан бирдек қадимий жараён ҳамда нутқий ҳодиса сифатида қаралади.

Дисфемизмга О.С.Ахманованинг “Тиішунослик атамалари лугати” деб номланувчи лугатида қисқача изоҳ беріб кетилади. “Дисфемизм (какофемизм) исп. disfemismo. Троп. муайян матидаги предмет, нарса-ҳодиса номини нисбатан қупол, вульгар ифода билан алмаштириш. Зидди: Эвфемизм...”

Дисфемизм иккинчи жағон урушидан кейингина турли иллатлар (гиёх-вандлик, фоҳишабозлик, үғрилик, етимлик) авж олтагч, эвфемик бирліклар қаторида нутқ сатҳида етарли даражада үз үрнига ега бўла бошлайди ва тиішунослик тадқиқ манбаига айланади.

Д.Лоуренс ва бошқа тадқиқотчилар томонидан сүз эркинлиги ва очиқлик ёқланар экан, уларнинг фойдалы томонлари таъкидланади. Масалан, нохуш тушунча қанчалик беркитилса, шунчалик қизиқарли бўлиши, ёмонликни тақиқлаган сайин унга әзтибор кучайиши ва самараси тескари бўлиши мумкинлиги эътироф этилади. Бу эса үз-үзидан, маълум маънода эвфемизациянинг қисқаришига олиб келади. Шунинг учун ҳам кейинги пайтларда дисфемизм мавзуси юзасидан Европа мамлакатлари тадқиқотчилари томонидан бирмунча ишлар қилинаётгандылыгы кўзга ташланади. Жумладан, А.Н.Резанова инглиз тили дисфемизмларини үрганар экан, дисфемизм тарихи, бадиий нутқдаги вазифалари, лексик-семантик гаҳлили ва таснифини амалга оширади. Дисфемизмга ҳам асосан нутқда рўй берадиган нолисоний омил сифатида қарааш лозимлиги, у денотат салбий таъсирининг кучайиши эканлиги эътироф этилади: “Дисфемизм – денотатни (таҳқиқлорвчи, у ёки бу тарздаги оттенкали) салбий бўёқдор сүз билан ифодалаш.” Шунингдек, Т.В.Бойко, Т.С.Бушуевалар дисфемизмни эвфемизм билан ёнма-ён тадқиқ этадилар.

Муайян миллатнинг яшаш тарзи, этник тараққиёти, тарихий даври билан боғлиқ равища тил ва нутқда шаклланган бирликлар тадқиқига ба-

ғишланган ишларда ҳам маълум маънода дисфемия хусусида алоҳида бўлимлар ажратилиб, унинг моҳияти, лексик қатлами, нутқий хусусияти тавсифланган. Бу ҳам бўлса, XXI асрнинг илк даврларида ҳимоя қилинган ишларда кузатилади. Масалан, О.В.Потапова белорус, рус ва поляк халқи тилининг XIX асрлардаги этник қолипини ўрганар экан, шундай ёзади: “Этнономинация муҳитида лексемаларнинг услубий фарқданиши муҳим роль ўйнайди. Айнан “этник жамоага хослик” маъноли лексемага муайян бўёқ бериш ушбу ЛСГ ичидаги синонимлар вужудга келишига сабаб бўлади. Бунда икки усул қўлланади: эвфемизация ва дисфемизация” деб ҳисоблайди.


И.П.Пасечникова ҳозирги немис тилида уруш ва тинчлик тушунчаларининг моҳияти хусусидаги тадқиқот ишида ҳам эвфемизм ва дисфемизмларга тұхталади: “Уруш ва тинчлик қутбий феноменларининг баҳо категоризацияси субъектнинг ўз ва бегона архетипик социомаданий зиддиятига мүлжалли билан шартланган бўлади. Функционал планда муайян вазиятдаги уруш ва тинчлик баҳоси амбивалентлиги бўлиши мумкин. “Социал ёвузлик”нинг “яхшиланиши” ёки ёмонлашуви”ни таъминлайдиган эвфемизация ва дисфемизация шаклидаги тадқиқ дихотомиясида баҳо вариациясида элементларнинг негатив компонентга муносабати истисно қилинмайди».

Миллий менталитет ифодасида эвфемизмга бўлган эҳтиёждан нобоп воқеелик ёки шахсни салбий бўёқ билан бериш, ҳақиқатни рўй-рост тасвирлаш истаги гоҳ устун келиб, қўпол, ноўрин тил бирликлари билан маълум замон носоз сиёсати, номақбул кишилари танқид остига олинади. Гўёки бу билан уларга кучли зарба берилади, ахлоқий мезонлар билан мувофиқлашишга – тарбияга чақирилади.

Дисфемизация тил бирликларининг pragmatik маъноси бўлиб, у эвфемизацияга зид туради. Бунинг сабаби – дисфемизация ҳодисасининг баъзан ижтимоий, баъзан эса индивидуал стеротиплар билан боғланиши. Дисфемизация лексемаларнинг нутқий қўлланиш дифференциациясини ҳам келтириб чиқаради. Бу эса, ўз навбатида, контекстуал маънодошлик қаторининг бойишини ҳам таъминлайди. Матн, боғлиқ қуршов ва нутқий вазият маънодошлик қатори муваққат аъзоларининг шу қатордаги ўрнини белгиловчи ижтимоий омилларни мустаҳкамловчи воситадир.

Бадиий нутқдаги дисфемизацийни индивидуал усул (приём) сифатида баҳолаш мумкин. Бу индивидуаллик эвфемиядаги индивидуалликка нисбатан бирмунча устуворлиги билан характерланади. Фақат “прагматика нутқтай назаридан тегишли тил воситасининг эвфемикилиги ёки какофемикилиги кузатувчи (tinglovchi)га боғлиқ бўлади” (A.Dabrowska). Масалан, кўпгина европа тилларида учрайдиган француз касаллиги (сифилис) эвфе-

мизми бошқа тил вакиллари томонидан эвфемизм сифатида, айрим этник мұхитда дисфемизм сифатида қаралиши мүмкін. *Швабы, французы, прусаки* атамалари “хашарот” маъносіда ҳам эвфемизм, ҳам дисфемизм сифатида қабул қилиниши мүмкін”. Зоро, бирликлардаги дисфемик маъно фақат муайян макон ва замон билан бөглиқ ҳолда юзага чиқади ва шу асосда идрок этилади. Дисфемик маъно, эвфемизмларда бұлғани каби асосан этник стереотиплар билан бөгланади ва белгиланади. Масалан:



Эвфемизм деб қаралаётган бирлик кишида дисфемик таассурот үйға таётгандек туюлади. Бу – табиий. Полисемантик, айни вазиятта, инсонга нисбатан құлланилаётган *it* сүзи ҳар иккі ҳолатда ҳам ҳақоратни билдіради. Бу эса дисфемизмнинг шартларидан бири. Бироқ, давр мұхити, сұзловчи мәданиятидан келиб чиқиб, шуны айтиши керакки, “ҳаром бұлмоқ” маъносини айнан ифодалаш образ қарастырылғанда дисфемик маъноли бирлиги құлланади. Чунки үтган аср бошидаги давр мұхитида ислом ҳукмрон мағкура бұлған бир шароитта ҳаром бұлмоқ жуда құпоп, үта нохуш ифода сифатида қаралған. Ҳаром қилинған нарса шарият арқонларига мувофиқ қағтиқ тақиқланған, демек, бу сұзни ишлатиши ҳам эвфемизацияның тақозо қылғанлығы ҳақида холоса чиқаришга асос бұлади. Үнга нисбатан жуда нозик бұлмаса-да, бошқа — айтиш у даражада қийин бұлмаган вариантини құллаш эхтиёжи туғилған бұлса, ажаб әмас. Иккінчисіда ҳам айтишта тили бормаслық ҳолати мавжуд, бироқ бу үрінде О.В.Потапова тақидлаганидек, инсоннинг итга менгзалиши тингловчи нүктәи назаридан дисфемик таассуроттың булиши мүмкін. Бу үрінде дисфемизация сценарийсі бир неча босқычдан иборат эканлигига әттибор қартиш лозим бұлади. *Бирөвни мажбур қылшии* – воқеликнинг асл атамасында нисбатан эвфемик либос, бироқ бирөвнинг номусига тегишии бирикмасында нисбатан эса дисфемик, номус бузилған бирикмасында дисфемик *it текканаң* иборасы дисфемиктер. Құрінадықи, гарчи нүтқий қарастырылғанда әга бұлса ҳам бир денотатив мазмун ифодаловчи эвфемик ва дисфемик бирликларни үзаро қиёслаш асосида уларнинг нисбий эвфемиклик ва дисфемиклик қиймати бағланади. Демек, мазкур бирликларга муносабат билдирилғанда нисбийлік тамойилига таяниши мақсадға мувофиқ.

Дисфемизмларнинг таснифи. Дисфема – денотатив субъектив муносабатнинг манфий томонға кетиши билан бөглиқ прагматик ҳодиса. Бу, ал-

батта, унга адабий тилде ўрин йүк дейишга асос була олмайды. Дисфемик маңноли бирликлардан тингловчиде воқелик ёки шахс ҳақида кучайтирилгандын салбый таассурот қолдириш учун фойдаланилади, бирок бу ҳолат уни шу жиҳатдан ўрганишга, таҳлил ва талқин этишга, қолаверса, тасниф этишга асос йўқлигини, мақсад номаълум эканлигини, эҳтиёж сезилмаслигини курсатмайды. Муаммо шундаки, ҳақиқатан ҳам дисфемизм мутлақ алоҳида бирликлар тизими эмас, бундай бирликларнинг дисфемик қиймати нутқий, у эвфемизм билан бир системада, шу билан бирга, унга қарама-қарши – зид восита сифатида қарадали.

Дисфемизм таснифи тилшунослик соҳасида айрим ишлардагина амалга оширилган. Масалан, инглиз тилида дисфемизм лексик-семантик жиҳатдан кўйидагича тасниф қилинади:

- ўлим, касаллик, жисмоний ва маънавий нуқсонларни билдириб келувчи дисфемизмлар;
- кенг доирадаги жиной гуруҳлар билан боғлиқ дисфемизмлар;
- инсон нуқсонлари билан боғлиқ дисфемизмлар;
- миллатга мансуб дисфемик номлар;
- худо, иблис (шайтон), черков маросимлари билан боғлиқ дисфемизмлар.³

Шуни айтиш керакки, унинг ҳам эвфемизм каби мавзуий гуруҳлари, лексик-семантик йўналишлари, ижтимоий-тарихий келиб чиқишига кўра турлари мавжуд.

Дисфемизмлар эвфемизмлар билан муносабатдош булганлиги сабабли улар таснифида ҳам эвфемизмлар таснифидаги каби айрим омиллар таянч булиб хизмат қилади.

Дисфемик маңноли бирликларнинг мавзуий гуруҳлари. Дисфемик маңноли бирликлар кам ва шу жиҳатдан унинг мавзуий гуруҳлари доираси ҳам асосан сўкиш, ҳақорат, қарғиш, киноя, масхара тушунчаларини ифодаловчи воситалар билан чегараланади.

Сўкиш ва ҳақоратни ифодаловчи дисфемик ифодалар. Аёл кишига нисбатан айтиладиган сочи узун, ақли қисқа ибораси асосидаги ақли қисқа дисфемик маңноли бирлиги характерли аҳамиятга эга. Қўштироқ ичида берилаётган бирикма аҳмоқ, фаросатсиз, оми аёлларни ҳақорат қилишда ишлатилган бўлиб, шаклга кирган иборанинг қисқарган вариантидир. Масалан, *Келин кўриб юрган ва келин бўлган «ақли қисқа» хотун-қизлар*

³ Резанова А.Н. Дисфемия в английском языке: семантические механизмы и прагматические функции: Автореф... канд. филол. наук. — Санкт-Петербург, 2008. — С. 20.

нинг ўтакасини ёриб, нечталарининг болаларини туширди. (А.Қодирий. «Маҳкамаи шариъияда ҳолва талқон масаласи»)

Ақли тушидан кейин кирган (масаланинг моҳиятига кеч тушунадиган) иборасида “аҳмоқ”, “оми”, “фаросатсиз” тушунчаларининг янги талқинидаги дисфемик шакли акс этади. Айни тушунчанинг пўкак бош ифодаси ҳам ҳақоратни англатиб келади. Бир қарашда пўкак бош юқоридаги бирликлар каби воқеликнинг бошқа ифодаси бўлганилиги сабабли эвфемик қийматга эгадек тасаввур уйғотади. Ҳолбуки, аҳмоқ инсоннинг белгиси, пўкак эса жонсиз нарса эканлиги, инсоннинг жонсиз нарсага қиёсланаётганлиги унинг дисфемиклигини кўрсатади. Шунингдек, им сузининг ўзи ҳам “бадфөъ”, “бадхуљ” тушунчаларини бергани боис, айни ифода турли кўринишларда қўлланилади, масалан, матн ичида им эмган, им, ишбачча, имланши, им-мушук, сакибедум каби воситалар бадиий образ нутқида ҳақорат сифатида намоён бўлади.

Қарғиши англатувчи дисфемик ифодалар. Қарғиши ўз-ӯзидан дисфемик кайфият уйғотади. “Ўл” тушунчасига нисбатан қўлланилган аптидан бузилсин, жойи жаҳанганимдан белгиланадир, жойининг жсаннатда бўлсин, иккюзи қаро бўлсун каби ифодалар бирмунча юмшоқроқ, қайсиdir маънода “ўралган”роқ эканлиги хусусида эвфемизм хусусида сўз кетганда фикр билдирилган эди. Бироқ ҳаром қотсин, гўрсўхта ифодаларида ҳаром ва гўр сўзлари мавжудлиги туфайли ва маълум давр муҳити нуқтаи назаридан қўполроқ бўлганилиги сабабли дисфемик ифода сифатида намоён бўлади.

Шунингдек, қақшагир, уйине куйсун, лаби бичилмай ўлсин, хумпар каби дисфемик маъноли, қарғиши англатувчи ифодалар худобехабар, юзи қаро, уволи тутксин, оқнадар каби эвфемик маъноли қарғиши ифодаларига нисбатан қўпол оттенкага эга.

Масхара, киноя англатувчи дисфемик ифодалар. Қўтириштининг кейинги оёги бўлмоқ (ҳеч нарсага арзимайдиган одам): «Қалам гуфтоки...»нинг шоюри тўнгуз қўпсачи, мани еттишидан бери бекорга сарсон ва саргардан қўлди, ҳаром тукимга турмайдиган ҳашшара маҳсимлар ёргу дунё орзу-ҳавасининг ариши аълосигача бориб етканларида, ман қўтириштининг кейинги оёги ҳам бўлолмадим. (А.Қодирий. «Маслаку мақсаддан шаммаи изҳор (озгина арз)»)

Маълумки, ҳомиладор ифодасининг асосан ҳайвонларга нисбатан қўлланиладиган бўғоз ифодаси ҳеч қандай бўёққа эга эмас. Бироқ айрим ҳолларда у инсонларга нисбатан ишлатилиб, дисфемик моҳият касб этган. Масалан: Бу ердаги болалари аҳволларидан сўрасалар, алҳамдулилоҳ, улар ҳам эркагу ургочи, бўғозу қисир дегандек уйнаб-кулиб юрийдирлар. («Масков хатлари», Диёри бақр. 219-б.)

“Айтмаган жойга йўнмаган таёқ” ҳам бўлиб оладирлар (чакирилмаган меҳмон), аллақайси гўрга қочди (ўзини олиб қочди; четга олди), маймунлик (иккиюзламачилик) каби иборалар таркибида таёқ, гур бирликла-ри қўлланилганлиги ҳамда ҳайвон характерида мавжуд феълининг инсонга нисбатан ишлатилганлиги туфайли дисфемик ибора сифатида қаралади.

“Ўткан кунлар” романида атрофдагиларнинг Отабекка нисбатан мас-хараомуз кайфияти тасаввури куйидагича тасвирланади: *Ул биринчи суроқ-даёқ* — «учиб қўниб қабул қиласиз» деб жавоб бермакчи бўлса ҳам, бироқ ҳалқинг *«ўлиб турган экан»* деб қиласидан таънасидан чўчиб жавоб бер-майдир

 (Ўткан кунлар. 56-б.). Бу ўринда “ул” тушунчасидан фойдаланил-ганлигининг ўзиёқ дисфемик кинояни юзага келтиради.

Дисфемик маъноли бирликларнинг лексик-семантик муносабатлар асо-сидаги таснифи. Дисфемик маъноли бирликлар ўзаро лексик-семантик муносабат ҳам ҳосил қиласи. Айниқса, улар сирасида нутқий характерда-ги маънодошлик, зид маънолилик ҳолатлари кўпроқ кузатилади.

Маънодош дисфемик бирликлар. Маълумки, сиёсий тушунчалар мұ-ҳит билан боғлиқ ҳолда нафақат эвфемик, балки дисфемик шаклда ҳалқ нутқида ўз аксини топган. Ифода эвфемик хусусиятига эга бўлгани ҳолда баъзан улар қўштироқ ичida берилгани кузатилади. Бу эса уларнинг, ўз ўрнида, тескари мазмунни ифодалашини кўрсатади. Семантик нутқтай на-зардан дисфемия денотатни салбий муносабат асосида аташини ўзида акс эттиради. Масалан, Абдулла Қодирий салбий муносабатини ифодалаш мақсадида хоннинг ўзини образлар нутқидан турли дисфемик бирликлар (“адолатпаноҳ”, “соябони марҳамат”) орқали ифодалайди: *Ҳайҳот, бу разолатни Анварнинг нафси ҳазм қилолмаганидек, «адолатпаноҳ»нинг ҳам бу тўғрида «марҳамат»лари шубҳалик.* (А. Қодирий. “Меҳробдан чаён”). Бу ўринда матн моҳиятидан келиб чиқиб, адолатни эмас демоқчи бўлина-ётгани равшан. *«Соябони марҳамат»* вижсон кенгашига қулоқ соглuchi «ахмоқ»лардан эмасдир.

(А. Қодирий. “Меҳробдан чаён”) гапида Худоёр-хоннинг соябони марҳаматлиги шубҳа түғдириши нашрда қўштироқ ичida берилганлиги билан белгиланаётir.

Худайчи қуллуқ қилған қўйи орқаси билан юриб, биринчи хонанинг даҳли-зига келди ва даҳлизда кутиб турган Анварни «ҳузури муборак» сари йўлга солди. (А. Қодирий. Меҳробдан чаён). Бу жумлада Анварнинг хон ҳузурига бораётганлиги туфайли “ҳузури муборак” дисфемик бирлигидан ўз ўрнида фойдаланилган. Шунингдек, адабнинг Худоёрхонга тегишли жаноби олий дисфемик бирлиги ҳам матн ичida вазиятга боғлиқ ҳолда келади: *Хон ҳали ички ўрдадан чиқмаган, ҳамма раъият «жаноби олий»ни кутиб муҳташам дарбозага кўз тикканилар эди.* (А. Қодирий. Меҳробдан чаён)



Демак, дисфемик бирликлар киноявий асосда бўлиб, нашрда қўштироқ ичига олиниши билан ҳам характерланади. Масалан, “Соябони марҳамат” қўштироқсиз эвфемик восита бўлиши мумкин эди. Эвфемияда сўзловчи фикрида ижобий муносабатни ҳосил қилиш ёки салбий муносабатни юмшатиш мавжуд булади. Айнан шу муносабат дисфемия ва эвфемияни фарқлаш учун асос бўлади. Хусусан, бу сиёсий шахс билан боғлиқ тушунчаларда ўз аксини топади.

Зид маъноли дисфемик бирликлар. Ушбу мисолнинг ўзида икки дисфемик ифодани антонимик муносабатга қўйганлигини кузатиш мумкин: *Бу ердаги болалари аҳволларидан сўрасалар, алҳамдулиллоҳ, улар ҳам эркагу ургочи, бўғозу қисир дегандек ўйнаб-кулиб юрийдирлар.* («Масков хатлари», Диёри бакр. 219-б.)

Ҳайвонларга нисбатан ишлатиладиган “бўғоз” сўзи инсонга нисбатан қўлланади, шу ўринда “қисир” дея айни ифоданинг антонимик (“туғмаган”) шакли берилиб, ифода таъсири кучаяди.

Дисфемик бирликларнинг маъно қамрови асосидаги таснифи. Дисфемик бирликлар маъновий қўлами жиҳатидан ҳам ўзаро фарқланади. Айрим дисфемик бирликлар фақат бир маънода қўлланса, бошқалари матн, қуршов талаби ва кўмагида турли маъноларни ифодалаши мумкин. Шунга кўра, маъно қамровига кўра дисфемик бирликлар моносемантик ва полисемантик бирликларга бўлинади.

Моносемантик дисфемик бирликлар. Моносемантик дисфемик маъно юкланган пўнак бош, сакибедум, соқолинг кўксингга тўкилсин, тўнгизхона, қўтириштинг кейинги оёги, итдек қирган, бола ташлар эди каби бирликлар фақат бир дисфемик маънода қўлланганлиги билан характерлидир.

Полисемантик дисфемик бирликлар. Ҳумса ифодаси ҳам эвфемик, ҳам дисфемик бўёқга эга бўлиши кузатилади. Ҳар иккала воқеланиш полисемантик боғланишга эга. Улардан бири кўпоп тушунчани юмшатиш учун

хизмат қылса, иккинчи вариантда, аксина, кишига нисбатан ҳақорат, қарғыш ифодалайды, салбий эмоция уйғотады.

ХУМСА 1 – дисф. лапашанг. *Юз мартаба сизга айтшиб ётибман-ку, хұмсаны дарбозадан чиқардым, тағын қанчагача орқасидан бориб то карвонларга қүшилиб кеткунча күтдім, сұнгра қайтиб келдім, деб.* (Үткан күнлар. 236-б.)

ХУМСА 2 – әвф. ҳезалак. *Бинобарин, уларнинг үйнаб кулишиларига рози бўлмаган одам хұмсадир.* («Хой, ер юткур», Диёри бакр 174-б.). Албатта, бунда полисемантикликнинг эвфемик-дисфемик характерда эканлигини таъкидлаш лозим.

Полисемантик дисфемизмларнинг метафорик, метонимик, синекдохик, вазифадошлиқ асосдаги күчма маъно асосидаги күринишлари учради.

Метафорик асосли дисфемик бирликлар. Дисфемик күчимда метафоризация мұхым үрин тутади. Айниқса, метафорик ва метонимик номинация алоқида мавқега эта. Аксарият дисфемик бирликлар инсонни құпинча бирор ҳайвонға үхшатиши асосидадир. Юқорида таҳлил қилинган *ит* сүзи билан боғлиқ тушунчаларнинг замирида аслида үхшатиши ётади: *Биринчи май* – бутун дүнё меңнаткашларининг бирлашкан байрами, бутундуңе ифлосларининг бир-бирлари билан *ит-мушук* бўлиб ажрасынан кунидир. (А.Қодирий. «Биринчи май») Маъно күчишнинг бундай усули адид асарларининг бир неча үринларида ўз аксини топади: *Аммо менга қолса у хұмпар* (*Отабекни айтадир*) *Марғилонда хотини борлигини ҳам унуптиб юборган*, деб үйлайман. (А.Қодирий. «Үткан күнлар») Испнни ёки шахсни англатувчи отнинг бу каби дисфемик ҳақорат шаклидаги варианти аксарият ҳолларда салбий қаҳрамонлар тилида, нутқий маданиятсизлик натижасида юзага келгандығын күршишимиз мумкин.

Үхшатишининг -дек, худди каби воситаларидан фойдаланиш ҳоллари ҳам мавжуд: *Баракалла гайратларингизга, – деди Азизбек, – бу күн қыпчоқлагана рустамона жасаб бериб, үзларини ҳам итдек қыргансиз.* (А.Қодирий. «Үткан күнлар»); *Бир вақт ош-сувдан құтулиб Норпоччахоним мианан бир пиёла зағарни ишиб ұлтурсыз, эшикдан нортуюдек бўртиб иккита яллачи үлгур кевопти.* (А.Қодирий. «Ширвон хола нима дейди»); Эй-й, большевикнинг үй күйсүн, ҳожи почча, худди тош-метин, падар лаънати!

 (А.Қодирий. «Гарвуз құлтиқдан тушди»)

Метонимик асосли дисфемик бирликлар. Бирор тушунчани ифодаловчи бирликни тушириб, унга боғлиқ бошқа бирлик асосида фикрни ифодалаш дисфемик бирликлар ҳосил қилишида мұхим аҳамият касб этади. Айниқса, шахсни ўз номи билан эмас, балки унинг бирор сифатини билдирувчи сүз билан аташ ҳам адид ижодида күплаб учрайди: *Некалай дав-*

рида түркестонликлар темирийүл үчүн қаларидан қандай турттылган-сурттылган бүлсалар, 23 йилда ҳам ундан баттарроқ турттылаберсунлар. (А.Қодирий. «Тилак») Бу үринде темирийүл назоратчилари назарда тутилаётгандын бүлса-да, зимдан мустамлакачилар хусусида фикр юритилаётгандылыгы аңлашилади. Шу ифоданинг синоними ҳисобланмиш түнгиз бирлиги ҳам юқоридаги фикрни исбеттөвчи мазмунни үзиде акс эттириб келгандыгини ҳам күзатиш мүмкін: *Боболарнинг муқаддас гавдаси мадғун (дағын қилинганды)* *Түркестонимизни түнгизхона* қилишига хозирланган биз итлар яратуучининг қаҳрига албатта йўлиқармиз. (А.Қодирий. «Үткан кунлар»)

Синекдохик асосли дисфемик бирликлар. Бунда инсон танасидаги бир аъзо ёки шу аъзо устида юз берган воқелик атамаси инсон ёки инсонни бутунлигича қамраб олган воқелик ифодаланади. Синекдоханинг бир кўриниши ҳисобланмиш айни жараён кўзи чиқмоқ бирлигига ўз аксини топади: *Ҳай-ҳай қандай яхши... бу дунёдан қадри йўқ мусулмон ога-иниларнинг у дунёда бундай роҳат билан кун кечиришиларига ҳасад қилгучи кофирларнинг кўзи чиқсан.* (А.Қодирий. «Қурбон байрами») Кўзи чиқмоқ дисфемик бирлиги қарғиши кайфиятини уйғотиши билан бир қаторда инсонга ўлим тиашини ифодалайди. *Кўзи чиқиб ўлсин* ифодасининг қисқа варианти бўлган кўзи чиқсан синекдохик асосли дисфемик бирлик сифатида намоён бўлади. *Соқолинг кўксингга тўқилсан* ифодаси ҳам синекдохик кўчим асосидаги дисфемик бирликка мисол бўла олади.

Вазифадошлик асосидаги дисфемик бирликлар. Абдулла Қодирий ишлатган шунгия ифодасининг келиб чиқиши ҳам унинг асл вазифаси билан боғлиқ бўлиб, бу бошқа экинлар илдизидан озиқланадиган текинхўр ёввойи ўт эканлигига ишорадир. Ишончни оқламаслик, ношуд, хиёнаткор, бирровлар ҳисобидан кун кўрадиган инсонларга нисбатан адебнинг айни ифодаси ҳақиқатда вазифадошлик асосидаги дисфемик бирлик сифатида намоён бўлади: — *Қоюн деб ўқкапимиз шунгия бўлиб чиқди.* (А.Қодирий. «Муншум тарифида»)

Шунингдек, аъзат ўқимоқ, айюзаниос солмоқ тушунчаларини англатиб келадиган ҳангерашабермоқ дисфемик бирлинги ҳам шаклини хатти даря кати билан боғлиқ. «*Үткан 25-йил самаҳор — шайхотида қарди Нуруллоҳори аз кучукқорилар патнус қўлда. маҳсад номи ўннин рашаберириб сенди зеруба бозор қўлдилар.* Энди 26-йил, ашантма, шу шаклини номинали берсанда дейди. (А.Қодирий. «Бўлсуни бўлмасун»)

Дисфемик бирликларининг шаклий структураси ишора таифи. Дисфемик бирликлар шаклий структураси ишора ҳам форданиниди. Барча ишорим сўз, баъзан бирикма, баъзин таин дисфемик масаласи ифодалайди. Шунга

күра, сүз, сүз бирикмаси, гап шаклидаги дисфемик маъноли бирликлар фарқланади.

Сүз шаклидаги дисфемик бирликлар. Сүз шаклидаги дисфемик маъноли бирликларининг ҳам аксарияти юқорида айтганимиздек ҳақорат, қарғиши шаклида. Бенаво, маимунлик, мочахар, муттаҳам, ошҳарами, пес, сакибедум, синглитаюқ, тирранча, тұңгизхона, ханнос, хұмпар, чүчқа, шайтонхона, шунгия, қақшагир, ҳез каби бирликлар шулар жумласидан. Айримлари мавжуд тушунчанинг Абдулла Қодирий услугуга хос бўлган янгила ифодаси. Масалан, ҳалқ тилидаги занталоқ форсий бирликтининг адаб асарларида учрайдиган синглитаюқ вариантини куришимиз мумкин: *Сағар бўзчи Маматқулни тұхтатиб сўради: – Ўша ким, ўша? – Ўша-да, мулла эмас, синглитаюқ-да...* Ўзингиз ҳам сўрай беради экансиз-да!... (А.Қодирий. “Меҳробдан чаён”) Бироқ зан форсечада сингил дегани эмас, балки хотин экан, Абдулла Қодирий бунинг салбий таъсирини янада ошириш мақсадида хотиндан ҳам яқинроқ кишиси бўлмиш синглисининг талоқ бўлишига ишора қилиб, шу бирлиқдан ўринли фойдаланади.

Форсий лексик бирликлардан фойдаланилганини кўп ўринларда кўришимиз мумкин. *Ит* сўзи ўрнида ишлатилган дисфемик бирликлар қаторидаги сакибедум ифодасида салбий оттенка бир қадар юмшагандек, чунки шу ҳайвоннинг она тилимиздаги ифодаси анча қўпол эшитилиши билан характерланади. Бироқ *сак* сўзига қўшилиб келаётган бедум бирлиги “калта кийинган, очиқ-сочиқ, андишасиз, шарманда, бироқ бундан оз бўлса-да уялмайдиган” маъносини бериб, дисфемик хусусият касб этади: *Ана ўша лапка кўтарған сакибедуминг ҳам тұртта гўдаги билан хотинини қўйипти, ит эмган, энди бир татарскасига уйланар эмши – ҳезалак!* (А.Қодирий. «Тошпӯлат тажант нима дейди»)

Фразеологик дисфемик бирлик. Фразеологик бирликларда ҳам салбий кайфият намоён бўлади. Бу алоҳида сўз ёки сўз бирикмаси шаклидаги дисфемик бирликлардан таъсир кучининг жаарангдорлиги, бир неча воситаларнинг ягона салбий фикрни бериши, аксарияти ҳалқ тилида мавжудлиги билан ажralиб туради. Маълумки, эвфемик ва дисфемик бирликлар индивидуал хусусиятга эга. Шу маънода, улар нутқида турлича тус олиши мумкин. Дисфемизмларни матн моҳиятидан келиб чиқсан ҳолда янги тұқима **фразеологик-дисфемик** бирлик ва **сўзлашув нутқида аввалдан мавжуд фразеологик-дисфемик** бирликларга ажратишмиз мумкин. Тұқима фразеологик-дисфемик бирликлар сирасига турмушининг чирик жойи, ақли тушибан кейин кирган, чандир каби саккыз тарафдан тишиланаб (А.Қодирий.) каби ифодалар киради. Ҳалқ тилида мавжуд ибораларга масалан, *онаси ни учқўргондан кўрсатмоқ, қумалогини кака деб юрган* (она сути оғзидан

кетмаган, фұр), айтмаган жойға йұнмаган таёқ (чақирилмаган мәхмон), боши ёрылмасдан, күзи чиқмасдан (бекаму күст), икки құлни бурнига тиқиб каби дисфемик иборалар киради.

Сүз бирикмаси шаклидаги дисфемик бирликлар. Халойиги бепархез, қитиқ пари ұлмаган, қон ичида, жисигар сұхталари, мәгрүр әудак, маориғға چүл халқ каби дисфемик маңоли бирикмалар мавжуд. Бирикманинг бир унсури иккінчи қисміга салбий оттенка бериш билан таъсир ифодасини оширади. Бирок айрим ҳолларда алоҳида қисми фикр нима ҳақида кета-ёттанлигини билдиримайдиган дисфемик бирликларни ҳам кузатиш мүмкін: *Мустамлакачилар «Том тепканга беш ёнгоқ – тепмаганга құй құмалоқ!» деб маймун үйнәтқайыптар*. (А.Қодирий. «Наңс босқан экан») Құй құмалоқ дисфемик бирикмасининг халқ нұтқида мавжуд бұлған мақол таркибида йүқ тушунчасини билдириб келгандығын фақат контекст ичида англаб олиш мүмкін бўлади. Чунки најжас сиёсат, ҳуқумат бўрилари, «сайлов» сичқонлари каби бирикмалар маъносини англаб олиш учун матнга эҳтиёж сезилмайди.

Гап шаклидаги дисфемик бирликлар. Бадий нутқдаги айрим дисфемик маъно бутун гап орқали ифодаланади. Бундай дисфемик бирликларни гап ҳолидаги дисфемик бирлик сифатида әзтироф этиш мүмкін: *уий күй-син, шайтон али қоплаган, қитиқ пари ұлмаган, им теккан*.

Нутқ маданиятида умуман салбий таассурот қолдирувчи мақоллар саноқли. Масалан, *Бинобарин, ақлга «қарға қарғанинг құзини ұйқыр эканми?» деган саволлар келадир; жсаноблари шу иборани қандай тушундилар экан*. (А.Қодирий. “Меҳробдан чаён”)

Дисфемик маъноли бирликларниң құлланиш ҳусусиятлари. Айтилған идек, дисфемизмлар эвфемизмлар билан воқелик ёки шахсга муносабат белгиси асосида зиддиятда бўлиб, дисфемизмни құллашдан асосий мақсад денотатга салбий бўёқ бериш ва шу билан ахборот қабул қиливчидан салбий муносабат уйғотишидир.

Үқувчи ҳис-туйғуларига таъсир қилишда газета матнлари мұхим роль үйнайди. Зеро, оммавий ахборот воситалари пайдо бўлғандан бўён ахборот бериш асосида ташвиқот-тарғибот вазифасини бажаради. Шу маънода эвфемизмларда коммуникатив зиддиятлардан қочиш мақсади устуворлик қилса, дисфемизмларда унинг акси кўзга ташланади. Дисфемизмлар кўпроқ публицистик асарларда учрайди. Чунки бу кичик асарлар фельтон, ҳажвия ва бошқа юмористик жанрдаги асарлар бўлиб, улар, асосан, оммавий ахборот воситаларида, яъни газета ва журналларда чоп қилишга мўлжалланган. Бу эса дунё тиљунослигида дисфемизмлар кўпроқ сиёсий дискурсларда таҳлил этилиши билан ҳам белгиланади. Дисфемизмларниң

маълум қисмигина бадиий образ яратишида қўулланган бўлиб, кўпчилиги воқеликка ҳажвий муносабат билдирилган кичик асарларда учрайди. Шунга кўра, улар шартли равишда бадиий ва сиёсий матнга хос дисфемизмлар сифатида гуруҳланди.

Очиқ ифода этилиши мулоқот ҳулқига тўғри келмайдиган тушунчаларни салбий бўёқли бошқа воситалар билан қўулланган ҳолатлар мавжуд. Фикримизча, бу контекст ичидаги дисфемик маъноли бирлик сифатида акс этади. Воқелик, шахс ёки нарса ҳақида ёрқин тасаввур уйғотиш, шунингдек, ўқувчида кучли таассурот қолдириш ҳамда ўзининг муносабатини очиқ намоён қилиш мақсади дисфемизмлардан ўринли ва унумли фойдаланишини таъминлайди.

Бадиий матнга хос дисфемизмлар. “Ўткан кунлар” асарининг биринчи бўлимида Ҳомиддинг Раҳмат Кумуш тўғрисида сўз очган вақтдаги ҳолатини қуйидагича баён этади:

– ...*бир турлик вазиятда ер остидан жиянига қаради...*

– ...*Ҳомид уни ер остидан таъқиб этар эди...*

Таъқиб этмоқ бирлиги ҳеч қандай бўёққа эга эмас, бироқ, *ер остидан* сўз бирикмасида маълум маънода бузғунчилик, ғараз ниятилик мулоҳазалари яширинади. Қолаверса, айнан салбий образ бўлганилиги учунми, унинг ҳар бир ҳаракати салбий таассурот қолдираверади. Шунингдек, *кузатмоқ сўзига* нисбатан олингандаги дисфемик қиймати ортади. Шу бирлик ижобий образга нисбатан қўлланилганда бундай ҳолатга дуч келмаймиз: Эрталабки чой ҳозирланган, *Отабек ҳомуши ўтирап, Ҳасанали эса унинг ҳолини таъқиб этмоқда эди*. Ёки холос вазият ёритилаётганда ҳам ўз маънисида, яъни бўёқсиз шаклда учратамиз: *Ўз оғиздан ўшишканимиздек Содик уни, Ҳомиддинга таълимотича, Қўқон дарбозасидан чиқиб то карвонларга қўшилиб олгунча таъқиб этиб борган эди*.

Сиёсий тушунчалар дисфемизми ҳақида. Газета ва журнал чоп этилишининг йўлга қўйилиши билан ҳар қандай публицист сиёсий ҳушёр ва фаол фуқаро сифатида публицистиканинг етакчи вакилларидан бирига айланди.

Оммавий ахборот назариясида бугунги кунда унинг коммуникантга таъсири самарадорлигини ошириш усул ва йўлларини ишлаб чиқиши бўйича жадал ишлар олиб борилмоқда. Сиёсий мавзудаги газета матнларининг таъсири нуқтаи назаридан субъект томонидан муайян коммуникатив мақсадларга эришиш учун зарур лисоний восита ва нутқий фаолиятни ташлаш масаласи ҳам амалий, ҳам илмий нуқтаи назардан ҳамма вақтларда муҳим бўлиб келган. Бу эса публицистик асар муаллифи томонидан заковват ва маҳорат талаб қилган.

Сиёсий мазмундаги дискурснинг ахборот функциясига нисбатан таъсир вазифаси ҳар доим устувор бўлади. Бунда таъсир вазифаси нутқий стратегия ва нутқий тактика орқали вужудга келади. Дисфемизмлар кўп ҳолларда салбий муносабат стратегияси асосида фош қилиш, айблаш, уялтириш тактикаси орқали намоён бўлади. Буни чизмада қўйидағича бериш мумкин:

Таъсир вазифаси				
Таъсир стратегияси	Таъсир тактикаси			
салбий таъсир қилиш	фош қилиш	уялтириш	айблаш	таҳқиrlаш

Дискредитловчи нутқ субъекти дискредитация объекти, унинг ҳаракати ва қарорларига нисбатан ўзининг салбий эмоционал ҳолатини билдиради. Бу пейоратив бўёкли бирликлар, хусусан, дисфемизмлар орқали амалга ошади ва тегишли шахслар хатти-ҳаракатларини фош қилиш мақсадига бўйсундирилади. Бу вазифани айблаш тактикаси бажаради.

Ҳар қандай нейтрал лисоний бирлик денотатив планда ўзгаришга учраб, бунинг натижасида коннотатив аспекти ҳам ўзгариши мумкин. Буни, албатта, матн кўрсатади.

Сиёсий матнларда дискредитлаш объектини пастга уриш ва таҳқиrlаш вазифаси таҳқиrlаш тактикаси орқали амалга ошади. Ҳақорат қилишда нафақат кўпол сўзни, балки меъёрий лексикага доир бирликни ишлатиб, ундан кўпроқ самара олиш мумкин.

Халқ орасида давр сиёсати, давлат арбоблари номи дисфемалаштирилганligини айрим асарларидан билиб олишимиз мумкин: *Жамоатбирор фойда-зарарни ажратувчини сайловга қарор берса. Ғарроқ ҳукумат ва ҳукумат бўрилари сатчийдилар* (А.Қодирӣ, “Шодмар”). Буида ўша давр амалдорлари бўрига ўхнатишиб, дисфемик матнно биринчина шакидаги, тасвирий ифода кўрининишдаги биринч билан иғодалантиди.

Маълумки, сайлов – сиёсий жараёнлардан ётг мухими. Унда ҳукумат ва фуқаролар муносабати яққол намоён бўлиши. Ўтуғти ахборотни алоҳолардаги сайловлардан фарқиён узароқ, уттай аср боинидан сиёсий жараёнларда, биринчидан, халқнинг сиёсий онлини насабити, ишенинг онлини алоҳодорларнинг янги, дунёвий типлариданни ту ўмида кароридан ишлаб тизимининг нобоглини каби ҳолатлар ҳаминиа пульнишга оғизлаб тизиб борида бўлади.

Сиёсий дискурс манипулятив имконияти билан алоҳида ажралиб турди. Бу, айниқса, киноявий дисфемизмларнинг қўлланишида яққол кўзга ташланади. Зеро, сиёсий дискурс мураккаб коммуникатив характерга эга бўлиб, у ҳокимият учун курашиш мақсадига ижтимоий онгни шакллантириш асосида эришади. Натижада матн вербаллашган, контекст ситуатив ва социокультур характерга эга бўлиб, маҳсус тил воситалари дискурснинг мақсад ва вазифаларига буйсунган бўлади. Унда ижтимоий онгни манипуляция қилишнинг барча воситаларидан унумли фойдаланади. Абдулла Қодирийнинг “Қизил байроқ” газетасида 1922 йил 28 апрелда боғи силган “АЗоб боғчасида – йиги-сиги кечаси” деб номланган “кичкина фелетўн” ида киноя асосидаги дисфемик ифодаларнинг кўпини учратиш мумкин. Адид Шайхонтоҳур туманидаги ҳозирги Абдулла Қодирий боғи билан цирк биноси оралиғида жойлашган “Роҳат боқчаси”ни “АЗоб боқчаси”, ундаги “қизиқ кеча”ларни тескари маъноли ифода – йиги-сиги кечаси биримаси билан ифодалашда ана шундай усувларни қўллайди. Шунингдек, ўзларининг кечага боргандарида одми кийимларда булғанлигига “боқча” ходимларининг салбий муносабати натижасидаги ҳолатини таназзулда қолгонлиг биримаси билан кучайтириб беради. Албатта, бунда дисфемик маъно киноявий асосда эмас, балки шунчаки ҳолатни салбий томонга кучайтириш асосида берилган.

Сиёсий тушунчаларни ёпиқ ифодалашда фонографик, лексик, морфологик ва текстуал воситалардан фойдаланилади. Аллитерация, қофия, тиниш белгилари, метографик воситалар (қорайтириб ёзиш, тагига чизиш, бош ҳарфлар билан бериш) бунда манипулятив воситалар сифатида намоён бўлади. *Маданият боқчасининг маданий йигитлари*, “АЗоб боғчасида – йиги-сиги кечаси”, “баба” кабилар бунга мисол бўла олади.

Умуман олганда, сиёсий дисфемизмлар турли шакл ва мақсадда ишлатилган бўлса-да, улар орасида тингловчи ёки ўқувчидаги салбий таассурот қолдириш, воқееликни аслидан кўра бўрттириш вазифаси кўзга алоҳида ташланиб туради. Бунда дисфемик маъно очиқ ёки манипулятив асосда ифодаланади.

Мустаҳкамлаш учун савол ва топшириқлар

1. Дисфемизм нима?
2. Дисфемизмнинг ёндош ҳодисалар билан муносабати хусусида гапиринг.
3. Дисфемик маъноли бирликларни мавзуй таснифланг.
4. Дисфемизмнинг структурал таснифи ҳақида нималар дея оласиз?
5. Суз-дисфемага мисол келтиринг.
6. Биримка шаклидаги дисфемик бирликларга мисол келтиринг.

7. Гап-дисфема хусусида гапириңг.
8. Маңыдош-дисфема деганда нимани тушунасиз?
9. Шаклдош-дисфемага мисол келтириңг.
10. Қандай зид маңноли дисфемик бирликтарни биласиз?
11. Дисфемик маңноли бирликнинг маъно кўламига кўра қандай турлари бор?
12. Метафорик, метонимик, синекдохик, вазифадошлик асосида маъно кўчган дисфемик бирликлар хусусида гапириңг.
13. Киноя шаклидаги дисфемизмга мисол келтириңг.
14. Дисфема қўллаш маҳорати деганда нимани тушунасиз?
15. Бадий дисфемизм нима?
16. Сиёсий тушунча дисфемизми ҳақида гапириңг.

АМАЛИЙ МАШГУЛОТ

1-машқ. Гаплардаги кўчма маңноли бирликтарни аниқланг. Бу бирликлар ифодалайдиган денотатларнинг асл ифодаловчиларини топинг. Кўчма маңноли бирликтарни иккига ажратинг: а) денотатни қўпол ифодалаган бирликлар; б) бундай хусусиятга эга бўлмаган бирликлар. Бирликнинг маңнони қўпол ифодалаши сабабини тушунтириңг.

1. *Масалан, “Ўртоқ Акмал Чўлтонбойнинг... шеъри билан зиёлларнинг афтиҳа туңургани ҳолда яна нима учундири “Ҳезлар тавба қиласа уларга фирқатниң қўлоги очиқ”, деб қўядир. (А.Қодирий.) 2. Сўфи тақбир тушишлар экан, маҳдумини кўнглидии “Раъносига ҷури қўша кўрмасинлар-да, тишник ҳаннатиниң бу яхнида...” яхни» дечсан андшия кечти... (А.Қодирий.) 3. Аммо бул жойи ташхона ормас ўрқин, шайтотхона ўрқин! (А.Қодирий.) 4. Бу кун келин Ганибонд ҳам ишончи музулларнида сўнгаш ҳукумат кишилари ҳам муроҷаювон таъсирилди, ўзинча унга қўнин моллари талонга тушиборди. В узома маддадиёндан келинди, бирони бори, янгироқ кийим киймо... (А.Қодирий.) 5. Биринчи яхни “Сарбозларни ташхона ормас, тўй-пўйга бор...” (А.Қодирий.)*

2-машқ. Берилган гапларнинг дисфемик бирликларни тушунтириңг. Бу бирликтарни кўйидаги белгиларга бекарга тушунтириңг. Бирликтарни кўра: а) моносемантик дисфемик бирлик, тоғижонлини дисфемик бирлик; б) лексик-семантик муносабатига кўра, маънодони дисфемик бирлик; в) тоғижонлини дисфема; в) шаклидаги кўра: сўз(ибора) шаклидаги дисфемик бирлик. Бирор ма шаклидаги дисфемик бирлик, гап шаклидаги дисфемик бирлик.

1. Келин кўриб юрган ва келин бўлган «ақли қисқа» хотун қўзиганинг ўтакасини ёриб, нечталарининг болаларини тушириди. (А.Қодирий.) 2. йо

ердаги болалари ақволларидан сұрасалар, алхамдулиллох, улар ҳам әркагы ургочи, бұғозу қисир дегандек үйнаб кулиб юрийдирлар. (А.Қодирий.) 3. Гапка бунча чечан бу ҳаромилар. (А.Қодирий.) 4. Түвба, бу авлоднинг бир зуволаси ҳаромдан, Ҳамфабуви, Нор поччани ұзи қуриб кеткүрният шайтон али қоплаган. (А.Қодирий.) 5. Некалай таҳтдан ийқилгандан кейин оддий халқ милитсасига күнгілли бұлуб ёзилдим. (А.Қодирий.) 6. Аммо өзархи қажрафтор даврасини тескаридан олиб, шартта инқиlob деган касофат юз күрсатған әди, шилқ этиб бизнинг Махдихонимиз ҳам курси-сидан құлаб тушиди. (А.Қодирий.) 7. Агар ул сирингизни билған бұлғанда ҳам аллақачон келатурған ишка тушуниб олиб, Марғilonдан думини хода қылди, десандыз-чи! (А.Қодирий.)

СЕМИНАР МАШҒУЛОТИ

Режа:

1. Тилшуносликда дисфемизмларнинг үрганилиши ҳақида.
2. Дисфемик маъноли бирликларнинг таснифи масаласи.
3. Матнда дисфемик маъноли бирликларнинг құлланилиши.

Семинар машғулотида құйилған масалаларга тайёрланиш учун услу- бий тавсиялар

1-масала. Дисфемизмнинг таърифи. Дисфемизмнинг эвфемизмдан фар-
қли хусусияти. Дунё тилшунослигиде дисфемизмнинг үрганилиши. Үзбек
тилшунослигиде дисфемизмнинг илмий талқини. Х.Б.Қодирова тадқиқоти.

Тавсия этиладиган адабиёттар:

1. Миртоҗиев М. Үзбек тили семасиологияси. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2011, Б.119-127.
2. Қодирова Х.Б. Абдулла Қодирий асарларида қисқача эвфемик ва дис-
фемик маъноли бирликлари луғати. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2009. – Б. 64.
3. Қодирова Х.Б. Дисфемизмларнинг үрганилиш тарихи ва таснифи /
/ ЎТА, № 1 – Т.: 2011. – Б. 111-115.

2-масала. Дисфемик бирликлар таснифи муаммолари. Дисфемик маъ-
ноли бирликларнинг таснифий белгилари. Дисфемизмларнинг мавзувий
таснифи. Дисфемизмларнинг семантик таснифи. Дисфемизмларнинг струк-
тур таснифи.

Тавсия этиладиган адабиёттар:

1. Қодирова Х.Б. Абдулла Қодирий асарларида қисқача эвфемик ва
дисфемик маъноли бирликлари луғати. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2009.
– Б. 64.

2. Қодирова Х.Б. Дисфемизмларнинг ўрганилиш тарихи ва таснифи. // УТА, № 1 – Т.: 2011. – Б. 111-115.

3. Қодирова Х.Б. Абдулла Қодирийнинг эвфемизм ва дисфемизмлардан фойдаланиш маҳорати: Филол.фан.ном. ...дисс. – Т.: 2012.

4. Миртохияев М. Ўзбек тили семасиологияси. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2011. Б.119-127.

З-масала. Бадиий дисфемизм бадиий маҳорат маҳсули сифатида. Сиёсий дисфемизм ҳақида. Дисфемизмларда миллый менталитетнинг намоён булиши. Атоқли адабларнинг дисфемизмларни қўллаш хусусиятлари. Публицистик дисфемия ҳақида. Публицистик дисфемияда шахс тавсифи. Тарихий шахсларга нисбатан қўлланган дисфемизмлар.

Тавсия этиладиган адабиётлар:

1. Қодирова Х.Б. Абдулла Қодирий асарларида қисқача эвфемик ва дисфемик маъноли бирликлари лугати. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2009. – Б. 64.

2. Қодирова Х.Б. Абдулла Қодирийнинг эвфемизм ва дисфемизмлардан фойдаланиш маҳорати: Филол.фан.ном. ...дисс. – Т.: 2012.

АДАБИЁТЛАР

Асосий адабиётлар

1. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. — М.: Сов. энциклопедия, 1969. – С. 137.

2. Менглиев Б., Сайфуллаева Р. ва бошқ. Миллый тилшунослик мустақил ривожланиш йўлида // Маърифат. 2007.

3. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 2 томли. 60 000 сўз ва сўз бирикмаси. 2-том / С.Ф.Акобиров, Т.А.Алиқулов, С.И.Ибрагимов и др.; З.М.Маъруфов таҳрири остида. – М: Русский язык, 1981. – Б. 144.

4. Миртохияев М. Ўзбек тили семасиологияси. – Тошкент, Мумтоз сўз, 2011. Б.119-127.

5. Қодирова Х.Б. Абдулла Қодирий асарларида қисқача эвфемик ва дисфемик маъноли бирликлари лугати. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2009. – Б. 64.

6. Қодирова Х.Б. Абдулла Қодирийнинг эвфемистикаси ва дисфемистикаси фойдаланиш маҳорати: Филол.фан.ном. ...дисс. – Т.: 2012.

Кўпимини адабиётнор

1. Бойко Т.В. Эвфемия и дисфемия в английском языке. Автореф. докт. филол. наук. – М.: 2005. – С. 26.

2. Бушуева Т.С. Прагматический аспект эвфемийтов и дисфемийтов в современном английском языке: Автореф. докт. филол. наук. – Ташкент, 2005. – С. 25.

3. Лоуренс Д. Порнография и непристойности. – М.: Азбуковник, 2003. – С. 392.
4. Резанова А.Н. Дисфемия в английском языке: семантические механизмы и прагматические функции: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Санкт-Петербург, 2008. – С. 20.

Мустақил иш мавзулари

1. Эвфемизм ва дисфемизмларнинг ёндош ҳодисаларга муносабати.
2. Эвфемизм ва дисфемизмларда даражаланиш.
3. Сўзлашув нутқига хос эвфемизм ва дисфемизмлар.
4. Эвфемизм ва дисфемизмларда миллий менталитетнинг намоён бўлиши.
5. Эвфемизмлар ва дисфемизмларнинг этник ва професионал хосланганлиги.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
Эвфемизмлар	4
Адабиётлар	33
Дисфемизмлар	34
Адабиётлар	51

Илмий-услубий нашр

Х.Б. ҚОДИРОВА

ЎЗБЕК ТИЛИДА ЭВФЕМИЗМ ВА ДИСФЕМИЗМ

Муҳаррир Гавҳар МИРЗАЕВА
Бадиий муҳаррир Уйғун СОЛИҲОВ
Мусаҳҳиқ Нилуфар ЖАББОРОВА
Компьютерда саҳифаловчи Феруза БОТИРОВА
Техник муҳаррир Сурайё АҲМЕДОВА

Босишга 14.05.2013 й.да руҳсат этилди. Бичими 60x84 1116. Босма тобоғи 3,25.
Шартли босма тобоғи 5,46. Гарнитура «LexTimes Cyr+Uzb». Офсет қоғоз.
Адади 100 нусха. Буюртма №17. Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.
Лицензия рақами: АI № 198. 2011 йил 28.08 да берилган.
«El-Press» МЧЖда босилди.
100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кӯчаси, 60.

ЎЗБЕК ТИЛИДА ЭВФЕМИЗМ ВА ДИСФЕМИЗМ



ISBN 978-9943-27-040-4

9 789943 270404

